



Ushbu olim yetishtirgan onalar kitobi

Abdurahmon Sharipov tomonidan  
loyiha ishtirokchilar uchun Kitob  
mualliflik huquqini saqlagan holda

**tuzildi**

Book\_blogerr






## МУҚАДДИМА

Бизларни йўқдан бор қилган, борлигидан хабардор қилган, оламларнинг Роббиси бўлган Аллоҳга ҳамд бўлсин!

Унинг оламларга раҳмат қилиб юборган Расулига салот ва саломлар бўлсин.

У зотнинг аҳлларига ва барча асҳобларига, уларнинг йўлидан юрган мўминларга салом бўлсин.




«Томас Эдисон ва унинг қаҳрамон онаси» ҳақида ўқиб қолдим ва ушбу ибратли ҳикояни сизга ҳам илиндим.

Момин Томас Эдисон бир куни мактабдан уйига келди ва онасига бир қоғоз узатиб, «Ўқитувчим буни сизга беришимни тайинлади», – деди. Онаси хатни кўз ёшлари ичида ўғлига ўқиб берди: «Ўғлингиз – даҳо. Бу мактаб унинг учун торлик қилади, уни ўқитадиган қобилиятли ўқитувчимиз йўқ. Ўғлингизни ўзингиз ўқитинг».

Орадан йиллар ўтиб, онаси вафот этганида Томас энг таниқли ва улуғ шахслардан бирига айланиб улгурган эди. Кунлардан бир куни уйдаги эски ашёларини кўздан кечираркан, бир қоғоз топиб олади. Эдисон уни олиб ўқийди. Қоғоз анча йиллар илгари ўқитувчиси онасига бериб юборган хат бўлиб, унда: «Ўғлингиз эси паст бир бола. Мактабимизда ўқишига рухсат беролмаймиз», деб ёзилган эди.

Шуларни ўқиган Эдисон соатларча йиғлайди, сўнгра кундалигига шундай ёзади: «Томас Эдисон қаҳрамон бир она томонидан юз йилликнинг даҳоси ҳолига келтирилган, «эси паст бир боладир».



Буларни ўқир эканман хаёлимдан имом Шофеъийнинг онаси ўтди. «Нима учун имом Шофеъийнинг онаси эсга олинмайди?» Нафақат имом Шофеъийнинг онаси, балки бошқа олимларнинг онаси ҳам эсланмайди. Бу хусусда алоҳида бир асар йўқ. Шу боисдан олимларимизнинг оналари ҳақида асар ёзиб, уни оммага етказиш нияти пайдо бўлди. Ушбу асарда олимлар оналарининг ҳаётидан ҳозирги кундаги мўмина-муслима оналар ҳам ибрат олишларига аминмиз. Чунки улар ҳам биз яшаган ҳаётда яшаганлар ва турли изтиробларни бошдан кечирганлар. Аллоҳга боғлиқликлари туфайли эса ҳечам умидсизликка тушмаганлар ва сабр қилганлар.



## ОНАНИНГ ЎРНИ

Она! Қандай гўзал калима! Қайси тилда айтилса, айтилсин... «Она» дер эканмиз, ич-ичимизда бир хузур ва муҳаббат пайдо бўлади. Она бўлиш осонми? Ким она каби сева олади? Ким онадек кўриқлайди? Энг ишонган эшикларингиз сиз учун тўсатдан ёпилса ҳам, онанинг эшиги ҳеч қачон ёпилмайди. Овозини баландлатиши мумкин, жаҳл қилиши мумкин, балки сизга оғирроқ туюладиган гаплар айтиши мумкин, лекин уларнинг фарзандларига бўлган муҳаббати тугамайди. Она шундай борлиқки, ҳар қандай мавжудот оналик хислати билан ўша шафқат, ўша марҳаматни олиб юради. Инсонлардан тортиб, йиртқич ҳайвонларгача она ўзгармас, болаларини инжитмас, фарзандларининг ҳаётини гўзал қилиш учун қўлидан нима келса қилади. Бир сиртлон ўткир тишлари орасида боласини олиб юраркан, болаларини хавфдан асраши билан оналик туйғусининг нақадар ҳассос бир ҳис эканлигини кўрсатади бизга. Она марҳамат тўла бир қалбдир. Ўзи қон қусса-да боласига буни сездирмайди. Оғриқларини ичига ютади. Дунёни эса болаларига гўзал кўрсатади.

Болалар тарбиясида оналарнинг таъсири каттадир. Чунки бола она билан улғаяди. Онанинг тарбия маскани зарарга йўлиқса, наслларда ўнганмайдиган яралар очилади, онани йўқотган жамият келажагини йўқотади. Фарзанднинг илк тарбия макони онанинг кўксидир. Ҳар юрак уришида гўдагига бўлган меҳр мавжланаркан, у онаси

билан биргаликда секин-аста тарбия топа боради. Афсуслар билан айтишимиз мумкинки, ишлайдиган она фарзанди билан тўлиқ шуғуллана олмайди. Ваҳоланки, унинг ўзи фарзандининг келажаги учун ишлашини даъво қилади. Аслида унинг фарзандидан айро қолган ҳар бир дақиқаси худди бир йилни қўлдан бой бергандек аҳамиятлидир. Фарзанд энди онанинг эмас, боқувчисининг, ўқитувчисининг ёнида улғаяётган бир хулқ билан катта бўлмоқда. Мақсадимиз энагаларни ёки ўқитувчиларни қоралаш эмас. Айтмоқчи бўлганимиз, агар энага ёки ўқитувчи яхши ахлоқ эгаси бўлмаса, у болада ўз изини қолдиради. Бунга эса ҳеч қайси она истамаслигини аниқ. Бугунги кун оналарини бу қийин вазиятдан халос қилиш зарур. Оналар болаларининг гўзал тарбия олиши ва соғлом келажаклари учун ўзларида ишлаш мажбуриятини ҳис қилмаслиги лозим. Гоҳида ҳаётда бошимизга тушган турли мусибатлар сабабли она болаларини ташлаб, ишлашга мажбур бўлиши мумкин. Фақат турмуш ўртоғининг маоши етарли бўлса-да, турли феминистик қарашлар билан «Ўз кучи билан эришган, уддабурон ва ишбилармон аёл» каби сўзларга учиб, болаларини боғчаларга ташлаб қўймасинлар. Ҳеч қачон болаларингизни бу ёшда қайтиб топа олмайсиз, бағрингизга босиб эркалай олмайсиз, ўз қўлларингиз билан бир гул каби улғайтира олмайсиз. Бу лаҳзалар такрорланмасдир. ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР УЧУН БУ АСАРДА ОЛИШИ КЕРАК БЎЛГАН ЖУДА КЎП ДАРС БОР!

Уч пуллик дунё манфаатларига эришаман деб, болаларимизни бегона қўлларга топширмайлик. Карьера яратаман деб, унинг изидан қувиб, боламизнинг ҳаққи бўлган вақтларни ўз ҳисларимизга қурбон қилмайлик. Фарзандларимизнинг соғлом ва бахтиёр улғайишини сотиб оладиган ҳеч қандай пул, ҳеч қандай бойлик бу дунёда йўқ. Она уйдаги ғамхўр киши бўлса, ота у уйнинг бошидир. Уйнинг моддий ва маънавий жавобгарлиги отанинг зиммасида. Унинг вафоти билан ҳам фарзандлар, ҳам она қийналади. Ёшликда бева қолган она учун ишлар аввалгидек осон кечмайди: у ҳам она, ҳам ота бўлади. На оналикни нуқсонли қилади, на болаларига отасизликни сездиради. Балки шу туфайли жаннат оналар оёғи остига тўшалгандир.

Жанозага борганингизда гувоҳ бўлгандирсиз, имом жанозада кишининг исмини онасининг исми билан тилга олади: «Хадижа ўғли фалон» дея. Чунки инсоннинг отаси кимлиги аниқ бўлмаслиги мумкин, лекин онасининг кимлиги равшан бўлади.

## ИСЛОМДА ОНАНИНГ ЎРНИ

Қуръони каримда шундай бир оят борки, шу биргина оятда ота-онага қандай муомалада бўлишимиз лозимлиги мукамал суратда кўрсатилган: «Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишни амр этди. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга «Уфф» дема, уларга озор берма ва уларга карамли сўз айт!» («Исро» сураси, 23-оят).

Аллоҳ таоло Ўзига ибодат қилишни амр қилиб, ундан сўнг ота-онага ҳурматни келтириши динимизда ота-онага нақадар икром қилиш кераклигини кўрсатмоқда. Ҳатто уларга «Уф» демасликни амр қиляпти. Чунки ота-онага «уф» дейиш ўлимдан сўнг тирилишни йўқ деб ҳисоблайдиган, Аллоҳнинг ваъдасини қадимгиларнинг масаллари деган ва Аллоҳга иймон келтирмаганларнинг амалидир. Қуръони каримда «уф» сўзи бошқа бир оятда шундай келади: «Ота-онасига: «Уф сизларга, (қабрдан) чиқарилишимнинг ваъдасини беряпсизларми?! Мендан аввал ҳам авлодлар ўтган-ку!» деган кишига, Аллоҳдан мадад сўраган ҳолда: «Ҳолингга вой бўлгур, иймон келтир, албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир», – дедилар. У бўлса: «Бу аввалгиларнинг афсоналари, холос», – дер.» («Аҳқоф» сураси, 17-оят).

Бошқа бир оятда эса ҳазрати Исо алайҳиссаломнинг йўргакдаги чақалоқлик





пайтларида онага итоат борасида огоҳлантирган сўзлари келади: **«Мени волидамга меҳрибон қилди, димоғдор, бадбахт қилмади»** («Марям» сураси, 32-оят).

Ҳазрати Исо алайҳиссалом чақалоқликларида Аллоҳнинг мўъжизаси билан сўзлайди ва сўзларидан бири онага итоат бўлади. Бир умр она ҳасрати билан яшаган жанобимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун она муҳаббати бутунлай бошқа масала.

Қуръони каримда бир қисса бор. Ҳазрати Мусо алайҳиссалом Тур тоғидан қайтганидан сўнг қавмининг такрор куфрга қайтганини билгач, ҳазрати Ҳорун алайҳиссаломнинг ёқасига ёпишган ҳолда ундан изоҳ талаб қилади. Биродарининг ғазабини кўрган ҳазрати Ҳорун алайҳиссалом шундай сўз бошлайди: **«Эй онамнинг ўғли!»**

Ҳазрати Мусо алайҳиссалом билан Ҳорун алайҳиссаломнинг ота-она бир қондош эканликларини шундан билса бўлади. Ҳорун алайҳиссалом оналарининг шафқатини эслатиш билан биродарининг ғазабини босишни истаган эди. Кейинги оятда кўринадики, Мусо алайҳиссалом биродарининг хитобидан таъсирланади ҳамда дуо қилади:

**«Роббим, мени ва оғамни мағфират қилгин ва бизларни Ўз раҳматингга киритгин. Сен раҳмлиларнинг раҳмлисисан.»** («Аъроф» сураси, 151-оят).

Ҳеч бир ҳид онанинг ҳиди каби ёқимли эмас. Чақалоқ учун ҳеч бир сут ўз онасининг сутидек тотли эмас. Ҳеч қайси ота оналик қилолмайди. Бу ҳам онанинг бир мўъжиза эканига далилдир. Болани

она ётоққа ётқизиши билан ота ётқизиши ўртасида тоғдай фарқ бор. Ёки сайрга чиққанингизда ҳалинчак учаётган боланинг онаси тебратиши билан отасининг тебратишидаги фарқни кўрганингизда нима учун онанинг боласи улғаяётганида ёнида бўлиши лозимлигини англайсиз. Бу сўзларимиз билан отанинг қийматини туширмоқчи эмасмиз. Бола билан энг мақбул равишда она шуғуллана олишини таъкидламоқчимиз. Боланинг ўзини тутиши ва туйғуларини ифода этишида илк тўрт йил жуда муҳим аҳамиятга эга. Гўдаклик чоғида она боладан бир неча соатга узоқлашса, бола ўзини сувсиз қолган балиқдек ҳис қилади. Бола ўзини хавфсиз ҳис қилмаса, кўрқинчли бир таҳдид остида қолгандек бўлади, кўрқади ва стресс гормонлари пайдо бўлади. Онасини паноҳ деб ҳис қилгани сабаб онасини кўрганида ўзини ишончли кўлларда эканини сезади. Ҳатто халқимизда биров фурсатга онасидан айро қолган йиғлаб, хархаша қилган болаларни овутиш учун кўллайдиган бир усул бор. Бола йиғлаганида онанинг бирор буюмини олиб келиб, болага ҳидлатишади, онасининг ҳидини олган бола тинчланади, чунки бу ҳид унинг ўзини осойишта ҳис қилишини таъминлайди.



## ТАРБИЯДА ОНАНИНГ ЎРНИ

Чақалоқлар дунёга келганида йиғлаб туғиладилар, чунки ўзлари мослашган сокин макондан шовқинли ташқи дунёга ташриф буюришади. Янги муҳитга мослашмаган чақалоқ тинмай йиғлайди, токи онасининг кўксига етишмагунча. Она билан гўдак орасидаги илк учрашув меҳр-муҳаббат билан бошланади. Боланинг онасидан илк ўрганган нарсаси меҳр, шафқат ҳисси бўлади. Чақалоқ бутун борлиғи билан онасига талпинади. Кўзлари онасини ахтаради, қулоқлари онасининг ширин овозини, бурни онасининг ўхшаши йўқ ҳидини излайди. Онадан болани айириш шунинг учун ҳам улкан гуноҳдир. «Оила – тарбия ўчоғи» дея жуда кўп таъкидланади. Бола ўрганиши керак бўлган нимаики бўлса, онаси билан ўрганади. Бола онанинг ҳар бир хатти-ҳаракатини диққат билан кузатади. Онанинг тўғри дегани тўғри, нотўғри санагани бола наздида ҳам нотўғри қабул қилинади. Шу боис энди она ўз ҳаракатлари ва сўзларига диққат қилиши лозим бўлади. Болаларимизнинг дунё ва охираат ҳаётига боғлиқ билимларга она меҳру муҳаббати билан берилиши энг гўзал тарбия шакли бўлажак.



## АЁЛНИНГ ИШЛАШИ ВА ОНАЛИК ҚИЛИШИ

Болаларимизнинг тарбиясидаги энг муҳим шахс онадир. Бироқ эрталаб тонгдан то кечгача кўнига 8 – 10 соат ишлайдиган аёл кечга чарчоқ билан уйга келганида болаларига нима бера олади? Аёлларимиз фақатгина ишхонада ишлаш мажбуриятида эмас, уйларида ҳам уларни супур-сидир, тозалик, таом тайёрлаш каби ишлар кутиб туради. Инсон бундай оғир шарт-шароитда ишлаб, қандай қилиб бахтли бўлиши мумкин?!

Қачон у фарзандининг дини ва ахлоқи борасида шуғулланишга вақт ажратади? Аёл умуман ишламасин демаймиз, дея олмаймиз ҳам. Чунки ишлаётган аёлнинг нималарни бошдан кечираётганини, қандай вазият уни ишлашга ундаётганини билмаймиз. Турмуш ўртоғи ҳаёт бўлмаган, хўжайини тирик бўла туриб, борлиги ҳеч нарсани ўзгартирмайдиган ва ишлаш мажбуриятида қолган қанча аёлларни биламиз. Фақат аёл ўзига ҳамда фитратига муносиб бўлган бир иш билан шуғулланиши керак деган бўлардик. Пул топсам бўлди, қандай иш бўлса бўлсин дейиш нотўғри. Бугунги куннинг замонавий фикрловчи жамиятида «аёлман, ҳамма ишни қиламан» деган қолип мавжуд. Рекламаларда аёлларнинг қурилишларда, автосервис хизматларида ишлаётганини кўрсатиш билан янглиш йўлга бошлашяпти. Аёлларнинг ўзларидек нозик, ўз дунёларига уйғун, жисмоний жиҳатдан ҳам уларни толиқтирмайдиган ишларга масъул қилиш керак. Бундай ишлар аёлларнинг

фитратига ҳам мос келади. Аёл ҳамма ишни эшлай олади деб унга такси ҳайдовчилиги вазифасини бериш қанчалик тўғри?!

Аёлнинг қиладиган юзлаб иши бор экан, нега айнан шофёрлик? Аёлнинг кечаси таксига чиқишини қайси виждон қабул қилади? Аёл ишлай олади, фақат аёллигининг ва Аллоҳнинг унга юклаган жавобгарликларини тарк қилишига мажбур бўлмайдиган ишни бажариши афзалдир. Тадқиқотлар олиб бориш давомида мен стюардессалар ҳақида қизиқиб кўрдим. Стюардессалик учун қуйидаги шартлар лозимлиги кўрсатилган эди:

- Бўйлари 163 – 180 см;
- Ёши 19 – 29 орасида бўлган;
- Бир вақтда ҳамма нарсага диққатини қарата оладиган;
- Қуролларни ишлата оладиган;
- Инсонларга хизмат қилишдан, муҳтожларга ёрдам беришдан мамнун бўладиган;
- Узоқ вақт тик оёқда тура оладиган;
- Кулиб турувчи, озода, хорижий тилларни (хусусан, инглиз тилини) билишлари керак.

Энди бу шартларни кўринг ва Буюк Аллоҳнинг Қуръони каримда, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларида келган бир аёлга берилган вазифалар билан солиштирайлик. Уйда турмуш ўртоғи ва болаларига хизмат қилган аёл кул, самолётда юзлаб йўловчига хизмат қилган аёл замонавий аёлми?!



ҚУРЪОНИ КАРИМДА

КЕЛГАН «ОНА»

КАЛИМАЛАРИ




## ҚУРЪОНИ КАРИМДА КЕЛГАН «ОНА» КАЛИМАЛАРИ

Бирор нарсанинг бошланиши, туғилишига сабаб бўлувчи ҳамма нарса «она» дейилади. Қуръони каримда «Қориъа» сурасида Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилган: **«Унинг онаси ҳовиядир»** (9-оят).

«Ҳовия» жаҳаннамнинг номларидан биридир. Бу ояти каримада она сўзи билан ифода этилишига сабаб гўдак онасининг бағрига қандай жойлашса, жаҳаннамликлар ҳам у ерга ўшандай жойлашиши туфайлидир. Буюк Аллоҳнинг каломида «Она» номи билан икки тушунча тилга олинади. Биринчиси Макка, иккинчиси Лавҳул Маҳфуз. Макка Қуръони каримда «Шаҳарлар онаси», «Осойишта бир макон», «Ишончли жой» сингари номлар билан айтилади. Лавҳул Маҳфуз Қуръонда «Уммул китааб», яъни «Она китоб» ўлароқ келади.



# МАККА





## МАККА

Макка бутун мусулмонларни бирлаштирувчи, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиш учун уларнинг тўпланган шаҳаридир. Буюк Аллоҳнинг қуллари ибодат қилиши учун илк бино қилдирган Каъба жойлашган шаҳар. Шу сабабли ҳам «Шаҳарлар онаси» деб номланган. Макка инсонлар яшамайдиган, экин унмайдиган бир жой эди. Қудратли Аллоҳнинг амри билан ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом аёли Хожар ва ўғли Исмоил алайҳиссаломни шу жойга қолдириб кетган эди. Қуш учмас, карвон юрмас, ҳатто сув топилмайдиган водийда замзамдек муқаддас сув бир онанинг боласига сув топишга уринишлари сабаби билан ер юзига чиққан. Бу чиққан сув ҳазрати Исмоилнинг қақшаган лабларига оби ҳаёт бўлганидек, ушбу водийга одамларнинг келиб ўрнашишига ҳам сабаб бўлди. Ҳаж ёки умра учун Маккага келганингизда чанқаб, сув ичганингизда тафаккур қилингки, бу қуруқ ер бир онанинг илтижоси билан сувга етган. Макка онадир. Жанобимиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккадан Мадинага ҳижрат қилаётганларида Макканинг эшигида туриб, туғилиб ўсган ва жуда севадиган шаҳрига боқадилар. Кўзларидан ёшлар оқиб, шундай дейдилар: «Сен қандай суюкли шаҳарсан. Сени қанчалар яхши кўраман. Агар қавмим мени бу ердан чиқишга мажбур қилмасайди, сендан ўзга бирор ерда яшамас эдим».

Мадина ҳавосига кўника олмаган муҳожирлар хасталаниб қолишарди. Шулардан бири ҳазрати Билол розияллоҳу анҳудир. Маккага бўлган соғинчи



зиёда бўлиб, тилидан ушбу байтлар тўкилади:

– Билмамки, ажабо, яна бир кеча Макканинг Фаҳ водийсида атрофимни изҳир ва хушбўй исли жалил ўтлари ўраган ҳолда тунармиканман?!

Ажабо, бир куни Мажанна сувларининг бўйига такрор борармиканман?!

Ажабо, Макканинг Шама ва Тафил тоғлари яна бир бор кўринармикан?



ЛАВХУЛ МАХФУЗ

«У ҳузуримиздаги она китобдадир, олийдир, ҳикматлидир». («Зухруф» сураси, 4-оят)

«Уммул китааб» («Она китоб») дейилишининг сабаби шудир. Ҳамма нарсанинг тамали ва асосига ўша нарсанинг онаси дейилади. Қуръон ҳам Аллоҳнинг изни билан Лавҳул Маҳфузда собит бўлиб, сўнгра энг қуйидаги кўкка туширилган, у ердан инсонларнинг эҳтиёжларига уйғун ҳолда дунёга ёйилган. Эътибор берган бўлсангиз, Қуръонда ҳеч қайси аёлнинг: мўмина бўлсин, кофир бўлсин исмлари тилга олинган эмас, фақатгина ҳазрати Марямнинг исми аниқ айтилган. Баҳс юритилган аёллар оилали эдилар, Марям онамиз эса никоҳсиз, турмуш ўртоғи йўқ эди. Айнан шу ҳолат ҳам шариятимизда аёллар борасида маҳрамнинг нечоғлик нозик масала эканлигини кўрсатади. Аёл эркак кишининг энг яқин маҳраמידир. Ошкор қилинмайдиган, дўстлар орасида ҳатто исми ҳам тилга олинмайдиган хилқатдир аёл. Бугунги кунимизда эса минг афсуслар бўлсинки, мусулмонми, кофирми – фарқи йўқ, аёллар ҳар хил ҳолатдаги расмларини, шахсий ҳаётига оид онларини, турмуш ўртоғи билан самимиятини интернет тармоқларида улашишади. «Мўминами, кофирми» дейишимиздан мақсад, кофир аёллар маҳрамлик борасида қандай эмин-эркин бўлсалар, афсус, мўмина аёллар ҳам худди шундай ўзларини эркин ҳис қилишаётганини кўряпмиз. Ичимда бир оташ ёнган ҳолда айтаманки, рўмолли аёллар ҳам юзини беркитиб, кўзларининг

мафтункорлигини кўз-кўз қилган ҳолдаги расмларини миллионлаб эркаклар кўрадиган майдонда намойиш қиладилар. Аллоҳнинг каломида эса аёлларнинг ҳатто исмлари ҳам зикр қилинмади. Феминистик ғоя вакиллари бу ҳолатни аёлларни қадрсизлантириш дея эътироф этишлари мумкин. Бироқ ҳолатнинг асл моҳияти улар тушунганидек эмас. Инглиз қироличаси ҳақида бир маълумот ўқигандим, унда қироличага нисбатан одоблар ҳақида баҳс юритилганди. Санаб ўтилганларидан бири эса шундай эди: «Қироличага асло исми билан мурожаат қилмайсиз!» Ҳаттоки ғарб одатларида ҳам аёлга исми билан мурожаат қилиш мумкин эмаслиги кўринябди. Биз эса китобимиз Қуръонда ботинан таъкидланган хассосиятга мувофиқ ҳаракат қилолмаймиз. Бу мавзуга оид бир воқеани сизлар билан бўлишгим келди. Аёлларнинг ижтимоий тармоқларга суратларини жойлаши тўғрисидаги суҳбатда бир дўстим менга яхши ибрат бўлган эди. Фалончи дўстининг инстаграм саҳифасида ўнларча ўранган аёлнинг сурати борлигини айтганди. Бу сатрларни ўқиган киши дўстимнинг ақли заиф эканлигидан гумон қилиши мумкин. Хўп, майли! Бироқ расмини унга ўхшаган минглаб ақли заифларнинг кўз ўнгида намойиш қилаётган аёллари ва бунга кўз юмаётган уларнинг эрлари ҳақида нима дейишимиз мумкин?! Тушуняпсизми? Бир эркакнинг телефонида бошқа бир эркакка маҳрам бўлган аёлнинг расми бўлса! Қиёмат кўпиши учун Дажжолни кутяпмизми? Балки айтишингиз мумкин: Нима энди, бошқалар расмимизни сақлаб олади деб уларни жойламайликми? Албатта!



Ўғрилар кўрмасин деб қулфлаганингиздек ўз маҳрамингизни ҳам яширинг. Бу менинг гапим эмас. Бошингизга рўмол ўраганингизни таъкидлаб, Аллоҳнинг амрини адо этганингизни айтасизми? Янги мода деб рўмолингиздан бир қанча тола сочингизни кўрсатиб қўясиз-ку. Тасаттурни амр қилган Роббимиз шундай буюрган эди: «**Эй Набий, жуфтларингга, қизларингга ва мўминларнинг аёлларига айт: жилбобларини ўзларига яқин қилсинлар. Ана ўша танилмоқлари ва озорга учрамасликлари учун яқинроқдир. Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.**» («Аҳзоб» сураси, 59-оят).

Биз мусулмонмиз, қиладиган ҳар бир ишимиз кофирларникидан фарқ қилиши керак. Асло уларга ўхшамаслигимиз лозим. Биз аёлининг исмини ҳам бегоналар орасида тилга олишдан ҳаё қиладиган бир маданиятнинг авлодларимиз. Бунинг фарқига борайлик. Биз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматларимиз.



### ФАРЗАНД ДУШМАНЛИГИ

Инсонга ўз тукқан боласи душман бўладими?  
Албатта! Бўлади...

Бунинг мисоллари атрофимиздаги бўлаётган воқеаларда кўринади. Буни янаям яхши англашимиз ва қандай йўл тутишимиз лозимлиги тўғрисида Аллоҳ шундай буюради:

**«Эй иймон келтирганлар! Албатта, жуфти ҳалолларингиздан ва фарзандларингиздан сизга душман бор, улардан ҳазир бўлинг. Ва агар афв этсангиз, ўтиб юборсангиз ва кечирсангиз, албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.»**  
(«Тағобун» сураси, 14-оят).

Ким бировнинг фарзандини ўлдиради, душмандан бошқа? Қобил ҳам Ҳобилни ўлдириб, ўз ота-онасига душман бўлганди. Улар бошларига келган бу кулфатга сабр қилганлар ва Аллоҳга хуш келмайдиган сўзлар сўзламаган эдилар.

## ФАРЗАНД ДОҒИ

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу дедилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этган фарзанди учун йиғлаётган бир аёлга шундай деган эдилар: «Аллоҳдан кўрқ ва сабр қил». Аёл изтиробининг кучлилигидан гапирётган кишининг ким эканлигига ҳам қарамай: «Менинг бошимга тушган ғамдан сенга нима?» – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламундан узоқлашарканлар унга: «Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эдилар», – дедилар. Аёл фарзандининг ўлимига қайғураётган бўлса, энди дарди устига дард кўшилиб, узр сўраш учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурига ошиқди. Уни эшик олдида турганлар кўрмади ва аёл тўғри Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдига кириб борди: «Эй Аллоҳнинг Расули (у кўпол сўзларимни) сизни танимасдан гапирдим! Кечиринг», – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Энг мақбул сабр мусибатга илк дуч келган онингдаги сабрдир», – дедилар.

Сабрни бизларга ўргатган ҳадиси шариф бу. Мусибат илк келган лаҳзада бақир-чақир билан фиғон қилиб, бутун дунёни бошимизга кийиб бўлгач, «сабр қилдим» дейиш сабр эмаслигини англаймиз. Суюкли бир инсонни йўқотиш эвазига ўзимизни тутишимиз мана шундай бўлиши лозим экан.

«Албатта, биз Аллоҳникимиз ва Унга қайтгувчимиз.» («Бақара» сураси, 156-оят).

## ҲАЗРАТИ МАРЯМНИНГ ОНАСИ

(ФАРЗАНДИНИ АЛЛОҲ ЙЎЛИГА АТАГАН ОНА)

Ҳазрати Одамдан бугунга қадар аёллар орасида энг хайрлиларидан бири ҳазрати Марямдек бир фарзанднинг онаси бўлган аёлдир. Марям онамизнинг оналарининг исми Қуръонда айтилмаган, «Имроннинг аёли» деб зикр қилинган. Манбаларда бу муҳтарама хонимнинг исми Ҳанна деб берилган. Ҳаёти ҳақида кўп маълумотга эга эмасмиз. Роббига шундай боғлиқ бўлганки, унинг самимияти Аллоҳ таолога қилган дуоиси ўлароқ Қуръондан жой олган. Бу дуо унинг қандай шахсият соҳибаси эканлигини аниқ кўрсатади:

**«Имроннинг хотини: «Роббим! Албатта, мен қорнимдагини Ўзингга холис назр қилдим. Бас, мендан қабул эт. Албатта, Сен эшитувчи, билувчи Зотсан», - деганини эсла!»** («Оли Имрон» сураси, 35-оят)

Ҳанна ҳали фарзанд кўрмаган эди, фарзандли аёлларга ҳавас қиларди. Ҳомиладор эканлигини англаб-англамасданоқ Аллоҳга кўлларини очиб, дуо қилганди. Биз билгандек дуо қилмади. Аксинча, ҳеч қилмаганимиз ёки шундай қилганларни кўрмаганимиз тарзда дуо қилганди: «Аллоҳим, дунёга келадиган фарзандимни Сенга атадим! Қабул қил», - деб дуо қилди. Қорнидалигидаёқ Аллоҳга бағишлаган боласи дунёга келади, у гўзаллар гўзали бўлган покиза бир қиз фарзанд эди. Дарҳол кўлларини очиб, шундай дуо қилди: **«Уни (Марямни)**



туққан чоғида: «Роббим, мен буни қиз туғдим-ку!!!» – деди. Ҳолбуки, Аллоҳ у нима туққанини яхши билади. «Ва ўғил қиздек эмас. Ва мен унга Марям, деб исм қўйдим ва албатта, мен Сендан унга ва унинг зурриётига қувилган шайтондан паноҳ тиларман.» («Оли Имрон», 36-оят).

«Мен қиз туғдим» дейиши асло қиз фарзандни камситиш маъносида эмасди. Яшаётган муҳитининг ҳаётига кўра масжидга хизмат ва Аллоҳга тоат-ибодат учун аталган ҳамда бошқа юмушлардан озод қилинган фарзандлар қиз болалар эмас, ўғил болалар эди. Шунинг учун ҳам Ҳанна ўзи бағишлаган фарзандининг қабул этилишидан чўчиб, ҳамда аввалги назрини яна зикр қилаётганидан андиша қилган ҳолатда айтиб ўтган эди. Ҳар нарсани билувчи Аллоҳ таоло бу самимий дуога шу шаклда жавоб берганди:

«Бас, уни Робби жуда яхши қабул қилиб, ниҳоятда гўзал ўстирди ва Закариёни унга кафил қилди. Закариё ҳар қачон унинг олдига, меҳробга кирганида унинг ҳузурида ризқ кўрди. «Эй Марям, сенга бу қаердан?» – деди. «Бу Аллоҳнинг ҳузуридан. Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кишисига беҳисоб ризқ берур», – деди.» («Оли Имрон» сураси, 37-оят).

Ҳанна фарзандини Аллоҳ йўлига атади ва Аллоҳ таоло унинг назрини гўзал суратда қабул қилди. Қандай ажиб лутф! Фақат шунинг ўзи Ҳаннага етарли эди. Оятнинг давоми ҳам бор. Аллоҳнинг Ҳаннадек бир қули учун лутфи туганмас эди. Қудратли Аллоҳ бу сидқидилдан назр қилинган покиза фарзандни пайғамбар бўлган Закариё алайҳиссалом билан

ҳимоя қиларди. Кимнинг Аллоҳга берган бадали жавобсиз қолибди?! Ким Аллоҳга бир қадам ташлаганки, Аллоҳ унга қараб ўн қадам ташламаган бўлса?! Ҳанна бир қадам ташлади, у ҳам бўлса, фарзандини Аллоҳга атагани бўлди. Оламларнинг Робби бўлган Аллоҳ эса унга қараб ўн қадам ташлади.

1. Аллоҳ бу бағишловни мамнунлик билан қабул қилди.

2. Аталган фарзандни жуда чиройли суратда тарбиялади.

3. Уни (Марямни) Закариё алайҳиссаломдек бир пайғамбар билан ҳимоя қилди.

4. Ва Аллоҳ унинг фарзандини бутун дунё аёлларидан афзал қилди.

Ҳаннанинг бу қадами бизга бир ҳадиси қудсийни эслатади: «Бандам менга бир қарич яқинлашса, мен унга бир аршин яқинлашаман. У менга бир аршин яқинлашса, Мен унга бир қулоч яқинлашаман. У Менга юриб келса, Мен унга югуриб бораман». Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилган.

У Аллоҳга бир қадам ташлади. Аллоҳ ҳам унинг қадамига гўзал шаклда жавоб берди.

## ҲАЗРАТИ МАРЯМ

(АХЛОҚИ БИЛАН ФАРЗАНДИНИ  
ТАРБИЯЛАГАН ОНА)

Ҳазрати Марям ҳам фарзандидек бир гўдак эди. Уни онаси дунёга келтирди ва Аллоҳга атади. Уни улғайтириб, тарбиялаган эса Аллоҳдир. Ҳазрати Марям билан боғлиқ диққатимизни тортган оятлардан бири «Оли Имрон» сурасининг 37-ояти эди: **«Уни ниҳоятда гўзал ўстирди»**. Оятда келган «Набата» сўзи тупроқдан унган ҳар бир ниҳол учун қўлланади. Сўзнинг асл маъноси эътиборга олинадиган бўлса, хоҳ ниҳол бўлсин, хоҳ ҳайвон ёки хоҳ инсон бўлсин – ўсиб-унадиган ҳар бир жонзот учун ишлатилади. Ҳазрати Марям аёллар орасида ҳеч ўхшаши йўқ аёл эди. Чунки у ҳеч ким билан никоҳланмай туриб, Аллоҳнинг «Бўл» деган амри ила ҳомиладор бўлган эди. Бундай ҳолат ҳеч содир бўлмаган эди. Қудратли Аллоҳнинг танлаб, покиза яратгани ва аёллар ичра энг устун бўлган бир хоним, иффат ҳамда ҳаё соҳибаси... Бу ҳолат Қуръонда шу шаклда ифода этилган: **«Эй Марям, албатта, Аллоҳ сени танлаб олди, поклади ва оламдаги аёллардан устунлигини ихтиёр қилди.»** («Оли Имрон» сураси, 42-оят).

Жабройил алайҳиссалом билан учрашгандан сўнг Аллоҳнинг амри билан ҳазрати Марям онамиз Исо алайҳиссаломга ҳомиладор бўлдилар. Бу ҳодисага ҳеч ким ишонмас эди. Шу туфайли Аллоҳ таоло унга «Инсонлардан бирини кўрсанг, шубҳасиз,



мен Раҳмонга бир рўза (сўзламасликни) атадим. Бугун ҳечким билан гаплашмайман деб айт» деб буюрди. Ҳазрати Марям кучоғида гўдаги билан одамларга яқинлашаркан ҳамма унга ғазаб ва нафрат билан қарайди. У эса бир сўз ҳам айтмайди чунки сукут рўзасини тутганди. Ҳолатни изоҳлайдиган эса Аллоҳнинг қудрати билан бағридаги гўдақдир. Фарзанди йўргакдаги чақалоқ бўлишига қарамай куйидагича сўзлашади: «(Ийсо) деди: «Албатта, мен Аллоҳнинг бандасиман. У менга китоб берди ва мени набий қилди. Мени қаерда бўлсам ҳам, муборак қилди. Модомики, ҳаёт эканман, намоз ва закотни адо этмоқни тавсия қилди. Мени волидамга меҳрибон қилди, димоғдор, бадбахт қилмади. Менга туғилган кунимда ҳам, ўладиган кунимда ҳам ва қайта тириладиган кунимда ҳам салом бордир.» («Марям» сураси, 30 – 33-оятлар).

Ҳазрати Марям Роббига итоат қилган ҳолда бандалигини энг гўзал шаклда ўрнига қўйди. Аллоҳ таоло ҳам унинг фарзандини қувилган шайтоннинг шарридан муҳофаза қилди. Бу ҳақиқатни жанобимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай ифода қилганлар: «Дунёга келган ҳар бир гўдак туғилганида шайтон унга тегинади, шу сабабдан чирқиллаб йиғлаб туғилади. Марям ҳамда ўғли Исо бундан мустаснодир.» (Имом Бухорий ривоят қилган).

### ҲАЗРАТИ МУСОНИНГ ОНАСИ

Ҳазрати Мусо алайҳиссалом онасининг исми Қуръони каримда айтилмаган. «Умму Муса», яъни «Мусонинг онаси» дея зикр этилган. Манбаларимизда исми Эяриҳат, яна бир исми Луҳа деб келган.

Ҳар даврнинг бир фиръавни ёки бир Намруди бўлади. У даврнинг фиръавни ўғил гўдакларни ўлдириб, қиз фарзанд ва аёлларни тирик қолдирарди. Шундай бир вазиятда бу муборак аёл буюк пайғамбарлардан бирини дунёга келтирган. Золим фиръавннинг аскарлари уйма-уй юриб ўғил болаларни излар ва топилганларини киприк қоқмасдан ўлдиришарди. Чақалоқ ўлдириладими ҳеч? Ўлдирилади, у даврда Мисрда, ҳозир эса Сурияда... Ҳазрати Мусо алайҳиссаломнинг онаси норасидасининг ўлдирилишидан кўрқиб қочади. Аллоҳ таоло унга шундай ваҳий қилади: **«Ва Мусонинг онасига: «Уни эмизавер. (Унга ёмонлик етишидан) кўрқсанг, уни дарёга ташла. Кўрқма, маҳзун бўлма, Биз уни сенга албатта қайтарувчимиз ва расуллардан қилувчимиз», – деб ваҳий қилдик.»** («Қасас» сураси, 7-оят).

Она учун бу воқеани ўқишнинг ўзи мушкул, уни амалга ошириш бир она учун қанчалик оғир изтироб эди. Лекин иймон мана шундай бўлади. Бутун борлиғи билан Аллоҳга боғланган кўнгил, Аллоҳ амр қилса, бир дақиқа ҳам иккиланмасдан гўдагини денгизнинг бағрига топшира олади. Худди фарзандини энагасига ё холасига бергандек, денгизга беради. Чунки амр қилаётган Аллоҳ ҳамда

У Зот бир ваъда бермоқда: «Уни сенга қайтарамиз»,  
– дея.

Манбаларимизда ҳазрати Мусо алайҳиссалом денгизга оқизилган вақтда 4 ойлик бўлганлари ҳақида мулоҳаза юритилади. Аллоҳ буюрган бўлса-да, барибир у она эмасми, фарзанди кўлларидадан чиқиб, бир сандиқ ила денгизда суза бошлайди. Кўз ўнгидан секин-аста узоқлашаркан она боламнинг бошига бир иш келмасми деб қайғуради. Қалбида норасидасининг ҳасрати. Гўдаги онадан яхшигина узоқлашмоқда эди. «Лаа таҳзан» – «Маҳзун бўлма!» Бир ғамингиз бор, ичингизни кемиради. Чиқиш йўлини тополмайсиз. Бирданига Аллоҳ сизга «Қайғурма» деса! Бу калимани бир дўстингиздан эшитсангиз, қанчалар енгил тортасиз. Бу сўзни Аллоҳдан туйганингизда қайғу билан қопланган кўнгилнинг қандай сакинатга қовушишини бир тасаввур қилинг-а!

Кун келади фарзандингизни асрнинг фиръавнларидан қутқаришингиз лозим бўлади. Болангизнинг иймони ва ахлоқи учун жойи келса, ундан айрилишингизга тўғри келар. Бу оят қулоқларингизда жарангласин. Ҳасан Басрий ҳазрати Мусо алайҳиссаломнинг онаси билан Ҳаннанинг ҳодисасини бир хилда кўради. Мусо алайҳиссаломнинг онаси Аллоҳнинг амрига бўйсуниб, фарзандини Нил денгизига топширганди. Ҳозирги асримизда фиръавннинг аскарлари эшикма-эшик юриб, болаларимизни ўлдирмаяпти, фақат, бузуқ фикрлар фарзандларимизни биздан узоқлаштирганидек Исломдан ҳам узоқлаштирамоқда.

Эй бу умматнинг оналари! Сизлар шу асримизда фарзандингизнинг ахлоқи ҳақида қайғураётган бўлсангиз, уни Аллоҳнинг амрига уйғун денгизга топшинг.

### **БУ АСРИМИЗДА ФАРЗАНДИМИЗНИ ҚАЙСИ ДЕНГИЗГА ТОПШИРАЙЛИК?!**

Мусо алайҳиссаломнинг онаси нўз замонида боласини Нилга топширди. Ҳозирги даврда денгиз деганимиз ҳақиқий бир денгиз эмас.

Денгиз бир Аллоҳ дўстининг пойгагидир;

Денгиз бир олимнинг мадрасасидир;

Денгиз Аллоҳнинг солиҳ куллариidir;

Денгиз хайрли жамоадир.

Сиз Аллоҳга таслим қилган ҳолда фарзандингизни денгиз мисоли бир мадрасага топширганингизда, кун келади фарзандингиз у денгиздан сизнинг кўлингизни ўпадиган бир олим бўлиб, балки бир солиҳ кул бўлган ҳолда қайтади. Умид қилганимиздек етишмаган бўлса ҳам барибир ютқизмаймиз. Амаллар ниятга боғлиқ!



## ҲАЗРАТИ ИСМОИЛНИНГ ОНАСИ

(АЛЛОҲДАН РОЗИ БЎЛГАН ОНА)

Аллоҳга таваккул қилишда энг ибрат бўлувчи она ҳазрати Хожар онамиздир. Қуръони каримда исми айтилмаган. Фақат бир оятда у ҳақда зикр қилинади. «Саҳиҳул Бухорий»да унинг бошдан кечирганлари батафсил айтилган. Қудратли Аллоҳнинг амри билан ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом аёли Хожар ва ўғли Исмоил алайҳиссаломни Маккага элтади. Маккага кетаётиб Иброҳим алайҳиссалом оиласини бир дарахтнинг остида қолдирди. Ҳеч бир сўз демасдан узоқлашаркан ҳазрати Хожар: «Бизни кимга қолдиряпсан?» – деди. Йўл бўйи қаерга кетяпмиз деб сўрамаган ҳазрати Хожарнинг саволи бир ҳикматли сўроқ эди. Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом аёлига қараб шундай жавоб берди: «Аллоҳга». Таваккул султони бўлган муборак она шундай деди: «Бизни Аллоҳга қолдиришингга розиман». Бу қандай бир таслимиятки, йўл бўйи бирорта савол бермайди. Фақат кўнглини хотиржам қилиш учун охирида савол сўрайди. Саволида ҳам таслимият бор ҳатто. Хожасидан «Аллоҳ» жавобини олгач эса «Розимиз» деди. Биз доим Аллоҳнинг қулидан рози бўлиши ҳақида ўқиганмиз. Қилинган бир яхшилик эвазига «Аллоҳ сендан рози бўлсин» деб дуо қилганмиз. Ҳазрати Хожар онамиздан ўрганамизки, Аллоҳдан рози бўлиш ҳам бор экан. Банда Роббидан рози бўлади, дардларга сабр қилиб, «Роббимдандир» деб сабр билан қаршилайди. Ёш бир жувон, бағрида гўдаги бор. Ташлаб кетилган ери эса қуруқ чўл, инсон



йўқ, ҳатто кўзга кўринадиган бирор жонзот ҳам йўқ. Сув йўқ. Ёнларида жуда оз сув қолган. Ҳеч нима йўқ. Фақат Аллоҳдан рози бўлган бу гўзал хоним шуни биладики АЛЛОҲ унинг билан бирга. Аллоҳ бор экан, яна нима бўлиши керак... Аллоҳ биз билан экан, шу бизга етади.

«Аллоҳ бизга етарли. У қандай ҳам гўзал вакилдир». Ҳазрати Хожар деганда хаёлингизга нима келади деб савол берилса, мен мана шу оятни ўқиган бўлардим. Исми Қуръонда келмасида унинг ҳаёти мана шу оятнинг тафсиридир. У Аллоҳдан рози бўлмиш, Аллоҳга сиғинмиш ва шу оят асосида яшамиш. Бундай бир онанинг тарбия қилган фарзанди онасидек бўлмасмиди?! Албатта, бўлади. Онасининг тарбиясини олган бир фарзанд онасидек таслимият кўрсатиб, Аллоҳга сиғинади. Онаси бошидан кечирган синовлардан ҳам оғирроқ синовларга учрайди. Фарқи эса у муборак жонини Аллоҳга фидо қилажак. Фақат бу ғазотларда шаҳид бўлиш эмас. Бўйнини отасининг оёқлари остига кўяжакдир. Пичоқни тортадиган эса унинг отасидир. Бунинг учун жуда катта итоаткорлик зарур. Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом ўғлига тушида кўрганларини айтиб беради. Кўрган тушида Исмоил алайҳиссаломни қурбон қилиши кўрсатилган. Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом тушини айтгач, фарзандининг гул юзига қараб сўрайди: «Бунга нима дейсан?»

Ҳазрати Хожарнинг мадрасасида етишиб, Аллоҳнинг ҳар турли амрига рози бўлган ҳазрати Исмоил алайҳиссаломнинг жавоби шундайдир: «Ота, сенга амр этилганини бажар, иншааллоҳ, мени сабр қилувчилардан топасан».

## ҲАЗРАТИ ОМИНА

(РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА  
САЛЛАМНИНГ ОНАСИ)

Оламларга раҳмат бўлган пайғамбарнинг онаси бўлиш қандай буюк шараф, ё Раббий!

Ҳазрати Оминанинг таваллуд тарихи ҳақида маълумотлар йўқ. 552 йилда туғилганлигини айта оламиз. Анча ёш пайтида никоҳланди, ёш пайти она бўлиб, ёшлик даврида вафот этди.


У жуда гўзал ахлоқ соҳибаси эди. Бу гўзал хулқи Макканинг энг обрўли соҳибларидан бўлган Абдулмуталлибни Ясрибга етаклади. Ўғли Абдуллоҳ билан Ясрибга келган Абдулмуталлиб уни ўғлига сўради. Жанобимиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам покиза бир наслнинг авлоди эдилар. Буни бир ҳадиси шарифларида шундай англатганлар: «Мен никоҳдан дунёга келганман, зинодан эмас. Одам алайҳиссаломдан бошлаб, то ота-онамдан туғилгунимга қадар жоҳилият аҳлининг бузуқликларидан бирортаси менга етмаган».

Ибн Саъд, Ансор маълумотларидан Ҳишом ибн Муҳаммад ибн Ас-Соиб ал-Калбийга таяниб Жанобимиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оналари ва энагаларининг исмларини кўздан кечиргач, Ҳишом ибн Муҳаммаднинг шу сўзини келтиради: Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг 500 онасини қайд қилдим. Уларнинг ичида ҳаёчизигидан ташқари бирор ҳаракатда бўлган ёки жоҳилият одатларидан бирор ёмонлик қилган



бирортасини кўрмадим. Жанобимиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг отаси Абдулмуталлибнинг ҳазрати Оминани ўғлига сўраб боришининг сабаби ҳам айнан ана шу иффат фазилати эди. Иффатли оналардан қанча-қанча йигитлар дунёга келган. Ўзимизни покиза асрамагунча наслимиз пок бўлмайди. Ифлос ариқдан пок сув оқмайди. Иффатли оналардан эса қанча ҳаёли қизлар ва ўғиллар туғилажак. Ёш қиз ва йигит учун никоҳ жон томиридек бўлиши лозим.

Унаштирув даврида нималарга гувоҳ бўламиз? Унаштирилганлар шундай бир ҳолатдаки, уларнинг ўрталарида никоҳ йўқлигининг ҳеч аҳамияти йўқ. Никоҳ фақат алоҳида уйда яшамаслик учун бир баҳона бўлмоқда. Неча қиз қариндошларимиз унаштирилгунга қадар асраган иффатларини «Барибир никоҳланамиз-ку» деган шайтоннинг сўзи билан йўқотмоқдалар. Никоҳ бўлмагач, унаштирилганнинг асло аҳамияти йўқ. Унаштирилганлик ҳеч қачон ўртадаги маҳрамликни таъминламайди. Эй бу умматнинг ёшлари! Никоҳдан бошқа ҳеч нима наслимизни ишонч остида тутолмайди. Никоҳни унаштирув билан тамомламанг. Абдуллоҳ билан оила қурган Омина онамиз никоҳланган йилларида ёқтурмуш ўртоғидан айрилади. Етим қолган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳам ота, ҳам она бўлади. Манбаларимизда Жанобимиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг онаси билан боғлиқ хотираларига оид жуда кам маълумот бор. Туғилганлариданоқ сут онага берилганликлари сабабли бир муддат онадан айро қолганлар. Сўнг ҳазрати Омина 3-4 йил мобайнида фарзанди билан



бирга яшаган. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёлғиз фарзанд бўлганлар. Ҳазрати Омина у зот 6 ёшдаликларида бу оламдан кўз юмганлар.

МУРАТ ТОСУН

## УММАТНИНГ ОНАЛАРИ

Бир куни Оиша онамиз розияллоху анҳо ҳақида бўлган суҳбатда устозимиз шундай дегандилар: «Менинг онамнинг онам эканлигининг далили насабимнинг ким эканлиги, Оиша онамнинг онам эканлигининг далили эса Қуръони каримдадир». Бу фикр менга шунчалар ёққандики, қайд дафтаримга ёзиб қўйгандим. Улар бизнинг оналаримиздир. Шу туфайли ҳам Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламнинг аёлларини қуруқ тилда «Ҳазрати Хадижа», «Ҳазрати Оиша» деб айтишга кўнглим рози бўлмайди. Бу номлар ҳам хато демайман, фақат «Ҳазрати Хадижа» дейиш ўрнига «Хадижа онамиз розияллоху анҳо» деб тилга олиш янада гўзал эмасми?!

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: **«Набий мўминлар учун ўзларидан кўра ҳақлидир. Унинг аёллари эса, уларнинг оналаридир»** («Аҳзоб» сураси, 6-оят).

Биз бу бўлимда уч онамиз борасида баҳс юритамиз: Хадижа онамиз, Оиша онамиз ва Умму Салама онамиз розияллоху анҳунна.


## ХАДИЖА ОНАМИЗ

(ФАРЗАНДЛАРИГА ХОНИМЛИК МАҚОМИНИ  
ЎРГАТГАН ОНА)

Хадижа онамиз саодат асрида қайси масалада бўлмасин биринчи бўлган: биринчи бўлиб калимаи шаҳодат келтирган, биринчи бўлиб Жанобимиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ортларида туриб намоз ўқиган, биринчи аёл сифатида узот соллаллоҳу алайҳи ва салламга никоҳланган ва биринчи бўлиб Ислом учун мол-мулкини сарфлаган хонимдир. Мўминларнинг илк онаси, иймон йўлида шундай ҳиммат кўрсатганларки, бу иш фақат эркакларнинг иши эмаслигини кўрсатган шарафли хонимдир.

Хадижа онамизнинг айтиладиган жуда кўп фазилатлари мавжуд, биз бу ерда фақат фарзандларига қандай оналик қилганлари ҳақида сўз юритамиз.

Қуръони каримда 25 нафар пайғамбарнинг ҳаётидан сўз юритилади. Аллоҳнинг бу муборак пайғамбарларининг ҳаётида бир қанча ҳикматлар ва ўғитлар бор. Жуда кўпчилари оғир имтиҳонлар билан синалган ҳамда бу синовлардан ўтиб, бизга энг гўзал ўртак бўлганлар. Бу пайғамбарларнинг баъзиларига аёли, фарзандлари билан синов қилинган. Қавми билан курашиш билан бирга ёнидаги аҳли оилалари билан ҳам курашганлар. Қайси бири аёли билан, қайсиниси кофир отаси билан, яна бошқаси иймон келтирмасликка қасам ичган фарзанди билан. Бизга маълумки, Хадижа



онамиз розияллоху анҳонинг Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламдан 6 нафар фарзандлари бўлган. Аввалги никоҳларидан эса учта фарзандлари бор эди. Жами 9 нафар фарзанднинг онаси бўлган аёл. Бир фарзанди туғилганида бутун исломий фаолиятларни бир тарафга олиб, дунё завқларидан воз кечмаганлар Хадижа онамиз розияллоху анҳони асло тушуна олмайдилар. Жанобимиз соллаллоху алайҳи ва саллам нубувватнинг илк кунларидан қанча уқубат ва изтиробда қолгандилар. Энг яқин қўллаб-қувватловчилари ҳам Хадижа онамиз эдилар. Ҳам турмуш ўртоғига ёрдам қилиб, ҳам фарзандлар тарбияси билан шуғулланардилар. Шу билан бирга, ҳазрати Али розияллоху анҳу ҳам шу уйда яшарди.

Ҳаж ё умра қилганингизда Ҳиро ғорини, Нур тоғини зиёрат қилгандирсиз. Каъбадан Нур тоғига туризм ширкатларининг транспорти билан келиб, Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам узлатга чекинган Ҳиро ғорига чиққандирсиз. Бу йўл ёшу қари ҳаммани жуда чарчатади. Хадижа онамиз эса ҳеч қандай транспортсиз, 6 км йўл юриб, тик бўлган Нур тоғига чиқиб, Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламга овқат олиб борардилар. Уйда фарзандлари бўлгани ҳолда ва турмуш ўртоқларидан бир оғиз сабабини сўрамасдан вазифаларни ўрнига қўярдилар. На фарзандларини унутарди, на хожасини. Жанобимиз соллаллоху алайҳи ва саллам сиқилсалар, улар ҳам сиқиларди. Бунча изтироблар ичида фарзандларини гўзал ахлоқ тимсоли қилиб вояга етказганлар. Тарбиялаган ҳар бир фарзанди умматнинг энг азиз шахсияларидандир. Ҳар бири энг комил жуфт, она ва қиз фарзанд бўлган ҳолда

мўмина аёлларга раҳбар бўлганлар. Хадижа онамиз учун қўйган сарлавҳамиз «Фарзандларига хоним бўлишни ўргатган она»дир. Хадижа онамизнинг қиз фарзандлари ҳақида сўз юритганимизда нима учун бу сарлавҳани танлаганимиз аён бўлади. Хадижа онамизнинг бири илк никоҳларидан, тўрттаси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан дунёга келганини ҳисобга олсак, жами 5 та қиз фарзанди бўлган. Булар:

- Зайнаб
- Руқайя
- Умму Гулсум
- Фотима
- Ҳинд бинт Атик



## ЗАЙНАБ РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲО

Зайнаб онамиз Абул Оснинг никоҳида эдилар. Абул Ос аввалига иймон келтирмаган эди, бироқ очиқ-ойдин Исломга душман ҳам эмасди. Ҳазрати Зайнаб онамизни жуда севарди ва ундан бошқасини хаёлига ҳам келтирмасди. Шу сабабдан ҳам бошқа ҳеч аёлни никоҳига олмаган. Маккалик мушриклар унга: «Аёлинг билан ажраш, биз сени Қурайшдан истаган аёлингга уйлантирамиз», – дейишди. У эса: «Йўқ, асло аёлимдан воз кечмайман, менинг завжам Қурайшнинг барча аёлидан яхшидир», – дерди. Бадр жангида асир тушиб қолганида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Маккага боргач, Зайнаб розияллоҳу анҳони Мадинага жўнатиб юбораман», – дея сўз берганди. Чунки ўзи иймон келтирмаган, аёли эса муслима эди. Муслима аёл билан мушрик эркак асло никоҳли бўла олмас эди. Абул Ос ваъдасига вафо қилиб, ўзининг энг суюкли инсонини Мадинага жўнатди. Аёлидан уч йилча айро қолган бўлишига қарамай бошқа аёлга уйланмади. Аёлининг ортидан ҳасрат билан шеърлар битиб юрди.

Абул Ос розияллоҳу анҳу аёлининг вафотидан кейин ниҳоятда изтироб чеккан ва ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг ҳазрати Фотима розияллоҳу анҳо учун айтган сўзларини аёлининг қабри тепасига бориб айтган: «Ёшли бир жуфт кўз, дард тўла бир юрак ва тилидан тўкилган шу сўзлар эди: «Эй Зайнаб! Сендан кейин бу ҳаёт ҳечам гўзал эмас!»

## РУҚАЙЯ ВА УММУ ГУЛСУМ РОЗИЯЛЛОҲУ

## АНҲУМО

Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу билан аввал Руқайя онамиз никоҳланган эдилар. Бу бахтли никоҳ узоқ давом этмаган, Руқайя онамиз анча ёш вақтларида оламдан ўтганлар. Сўнгра Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Усмон розияллоҳу анҳу билан қизи Умму Гулсумнинг оила қуришларини истаганлар. Бироқ иккинчи маротаба ҳам пайғамбарнинг қизига уйланишдек бахтга нойил бўлган Усмон розияллоҳу анҳунинг бошига яна мусибат келади. Умму Гулсум ҳам анча ёш пайтида вафот этади. Бу сафар ҳам Усмон розияллоҳу анҳу бу айрилиқ азобидан кунларча йиғлаганлар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга тасалли берганлар. Аллоҳ таоло ҳар нарса билгувчи! Инсоният тарихида Усмон розияллоҳу анҳудек аёлининг вафоти сабаб ғамга ботган бирорта одам йўқдир. Чунки иккала никоҳида ҳам аёлини йўқотадилар.

### ФОТИМА РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲО

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ғунча гули бўлган энг кичик қизлари. Бу гўзал хонимнинг турмуш ўртоғи эса Аллоҳнинг арслони Али розияллоҳу анҳудир. Аллоҳ ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ризосига уйғун ҳолда яшаганлар. Завжасига ошиқ ва борлиғи билан боғлиқ бўлган Али розияллоҳу анҳу Фотима онамиз ҳақида шундай деганлар: «Кун бўйи иш билан машғул бўлиб, чарчаб уйга қайтганимда Фотиманинг юзига боқсам, бутун ғам-андухларим, толиқишим йўқ бўларди». Турмуш ўртоқларининг бу қадар севимли инсонлари бўлишлари уларнинг Хадижа онамиздек хожасининг қалбидан қанчалик жой эгаллаганликларини кўрсатади. Уларнинг вафотларидан кейин турмуш ўртоқлари улардек аёлни тополмадилар. Эй мўмина аёллар! Бир ҳақиқат шуки, Ислом даъвосида улкан бадаллар тўлаган ҳар йигитнинг ортида солиҳа бир аёл бор. Энг катта бадалларни ҳам Исломнинг аёллари ўтаганлар. Хадижа онамиз аввалига икки фарзанди Қосим ва Абдуллоҳларнинг вафоти туфайли чуқур қайғуни бошдан кечирганлар. Дарди уммат бўлган буюк қалбли она 65 йиллик ҳаётида ҳеч ўз нафси учун яшамаган. Хожаси ва фарзандларига суянчиқ бир тоғ бўлганлар.


## ОИША ОНАМИЗ

*(УММАТГА ОЛИМ ВА ОЛИМА ЕТИШТИРГАН ОНА)*

Бефарзанд бир мўмина аёлнинг «Олим ёки олима бир фарзанд тарбия қилиш менга насиб қилмайдими?» деган саволига энг гўзал жавобни Оиша розияллоҳу анҳо онамизда кўради. Умматнинг энг нозик онаси, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг энг хафиф гули. Ёшлигидан саодат хужрасига кириш-ла Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан жуда кўп нарсаларни ўрганганлар. Билмаганларини сўраб, ўрганишга бўлган иштиёқи Исломда етук инсонлардан бири бўлишга муяссар қилган. Узоқ масофалар босиб, Оиша онамиздан саволларини сўрашга келишарди. Маълумки, Оиша розияллоҳу анҳо онамизнинг фарзанди бўлмаган, аммо минглаб шогирдлари бўлган. Ҳатто бу ҳақда «Ҳазрати Оишанинг ўқувчи хонимлари» номли илмий тадқиқот иши ҳам мавжуд. Бу тадқиқотда 118 та тобеин аёллар айтиб ўтилган. Шу билан бирга, улардан таълим олган асҳоби киром ва тобеинларнинг улуғлари ҳам бор. Оиша онамиз розияллоҳу анҳо олима етиштирган оналардандир. Шулардан бири Амра бинт Абдурахмон. Оиша розияллоҳу анҳо онамизнинг ёнларида улғайиши ҳам унинг қандай олима бўлишига ишора қилади. Оиша розияллоҳу анҳо онамизнинг ривоят қилган ҳадисларда энг ишончли ровий Амра онамиз бўлган. Бугунгача етиб келган ҳадисларда Амра бинт Абдурахмоннинг таъсири катта. Халифа Умар

ибн Абдулазиз Мадина волийсига ёзган мактубида шундай деганди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини, ўтмишда амал қилинган суннатларни ва Амранинг ҳадисларини топиб, ёз. Мен илмнинг (ҳадиснинг) йўқолишидан ва илм аҳлининг (муҳаддисларнинг) ўлимидан кўрқаман. Қосим ибн Муҳаммад илм ўрганишга жуда ҳарис бўлган Шиҳоб аз-Зухрийга Оиша розияллоҳу анҳо онамизнинг тарбиясида вояга етган, илм хазинаси бўлган Амранинг ҳузурига боришини тавсия қилган. Ибн Шиҳоб Амра онамизни «Илм денгизи» дея таърифлаган. Ислом тарихининг энг буюк халифаларидан бири бўлган Умар ибн Абдулазиз, Мадина волийси Абу Бакр ибн Муҳаммадга ёзган мактубида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадислари зое бўлишидан кўрқишини билдириб, ҳазрати Оиша розияллоҳу анҳо онамиздан ривоят бўлган ҳадисларни Амра онамизнинг ёзишини истаган экан.

Оиша розияллоҳу анҳо онамизнинг эркак талабалари ичида энг машҳури Урва ибн Зубайрдир. Урва холаси бўлган Оиша розияллоҳу анҳо онамизнинг ёнларига бемалол келиб-кетишга имкони бўлгани сабабли етук илм эгаси бўлишга мушарраф бўлганлар. Муҳаммад Али Кутуб «Оиша муаллиматур рижол вал- ажял» номли китобининг бир бўлимида «Ислом олимларининг устози» сарлавҳаси остида Оиша онамиз ҳақида: «Масжидун-Набавийдан сўнг Оишанинг уйи Ислом тарбия марказларининг биринчиси, айни пайтда Ислом фикр тарихида буюк излар қолдирган энг улуғ макон бўлди», – деган. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва



саллам умматларининг онаси бўлиш масъулиятини ҳис қилган Оиша онамиз розияллоҳу анҳо исломий илмларнинг бизгача етиб келишида жуда катта ҳисса қўшганлар.

Фарзанд бир имтиҳондир. Борлиги ҳам, йўқлиги ҳам имтиҳон. Бизлар ҳар иккисига ҳам сабр қилишга буюрилдик. Фарзанди йўқ аёллар учун Оиша онамиз розияллоҳу анҳо энг чиройли ўрнамдир.

## УММУ САЛАМА ОНАМИЗ

(ФАРЗАНДЛАРИНИ ХАТОДАН АСРАГАН ОНА)

Худайбия куни маккалик мушриклар билан сулҳ тузилган эди. Ушбу сулҳ шартлардан бири мусулмонларнинг умра қилмасдан ортга қайтишлари ва кейинги йил келишлари эди. Бу мусулмонлар чидаб бўлмас вазиятни юзага келтирган эди. Сулҳ тугагандан кейин қурайшлик мушрикларнинг элчилари кетгач, Жанобимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Худайбияда ўринларидан туриб:

«Эй инсонлар! Туринглар, қурбонликларингизни сўйинг. Сўнгра сочларингизни олдинг ва эҳромдан чиқинг», – деб асҳобига буюрдилар. Улардан ҳеч ким жойидан жилмади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу амрларини яна бир марта такрорладилар. Яна ҳеч ким ўрнидан турмади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амрлари учинчи марта такрорланди. Яна ҳеч ким қимирламади. Жанобимиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам қайрилиб завжалари Умму Салама розияллоҳу анҳонинг ёнига кетдилар. Умму Салама онамиз розияллоҳу анҳо: «Ё Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сизга нима бўлди?» – деб сўради. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Умму Салама! Бу одамларга нима бўлган? Ҳайратдаман. Уларга: «Қурбонликларингизни сўйинг. Сочингизни олдинг, эҳромдан чиқинг!» – деб такрор-такрор айтдим. Улар гапларимни эшитишяпти. Юзимга қарайдилар-у, ораларидан ҳеч бири менинг

буйруғимни бажармаяпти», – деб маҳзунликларини ифода этдилар. Умму Салама розияллоҳу анҳо онамиз: «Эй Аллоҳнинг Расули! Сиз бу ишни бажаришни истайсизми? Адо этишни истасангиз боринг. Қурбонлик туяларини сўймагунча, сочларини олдирмагунча асҳобингиздан ҳеч ким билан гаплашманг. Сиз сочингизни қисқартириб, қурбонлигингизни сўйганингизда улар ҳам шундай қиладилар. Албатта, сизга эргашадилар», – деди. Шундан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаммасини бажара бошладилар. Буни кўрган саҳобалар тезда у зот соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашдилар. Умму Салама онамиз асҳоби киромнинг нозик томонидан келадилар. Бир пайғамбар амр қилса-ю, буйруғига итоат қилишмаса, бу Аллоҳнинг ғазабини келтирадиган хатодир. Фақат оналари бу ҳолатни гўзал тарзда тузатади. Фарзанд бир хато қилади, оталар дарҳол жаҳли чиқиб, боласига жазо беришни истайди. Она тезда ҳимояга шошилади. Ҳолатни тўғрилайди. Бу воқеада ҳам худди шундай. Саҳобалар бир хатога йўл қўйдилар, оналари уларнинг бу хатосини «Уларга ҳеч нима гапирманг, сиз бажаринг, улар эргашади» дея тузатади. Фарзандларини жуда яхши билгани учун шундай дейди. Чунки саҳобаи киромлар бизга ўхшаб амал қилмай гапга чечанлик қиладиган кимсалардан эмасдилар. Амаллари билан сўзлашадиганлардан эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам нимани бажарсалар, кўрар ҳамда бажарардилар. Худди имомга эргашган жамоат каби.

Умму Салама онамиз розияллоҳу анҳо бу умматга олима фарзанд етиштирганлар. Исми Зайнаб бинт



Абу Саламадир. Ўз даврининг фақиҳа хонимларидан. Ҳадис илмида ҳам сўз соҳибаси эдилар. Ривоят қилган барча ҳадислари «Кутубу ситта»дан жой олган.

Ушбу бўлимда аввало саҳоба оналаримиз ҳақида сўз юритамиз. Саҳоба оналаримизнинг ҳеч бири фарзанд қандай тарбияланади, буни тушунтирмайди, балки яшаш асносида кўрсатади. «Саҳихул Бухорий»да келган бир қанча ривоятлар буни бизга исботлайди. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар: «Мен узоқроқ ўқиш орзуси билан намозни бошлайман. Намоз ўқирканман боланинг йиғлаган овози эшитилади. Боланинг йиғисидан онасининг туядиган аламини билганим учун намозни узун ўқишдан воз кечаман». Бу ривоятни кўп эшитганмиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу билан болаларга нисбатан шафқатли бўлишни уқтирмоқчи бўлганлар. Бу ривоятдан нимани англадингиз деган сўровнома ўтказганимизда шундай жавоблар олдик:

- Жанобимиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг болаларга бўлган шафқатлари;
  - Аёлларнинг масжидга келиши;
  - Аёлларнинг масжидга келмаслиги лозимлиги (буни қандай англадилар, ўзим ҳам тушунмадим);
- Жамоатнинг бу муборак ҳадисдан англагани, шу уч жавобнинг ичида эди. Фақат биз бошқачароқ тушундик. Дўстларим, ҳадисда келган аёл саҳоба йўрғакдаги чақалоғи бўлишига қарамасдан жамоат намозини бой бермасдан масжидга келиб,



Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ортларида туриб намоз ўқийди. Бу ҳадиснинг шарҳларида боланинг масжидда бўлганлиги, бошқа бирида эса боланинг масжидга яқин уйларда эканлигидир. Яъни она боласини уйда қолдириб, масжидга келади. Ҳозирги оталар фарзандлари борлиги учун илм мажлисларига келмайдилар. Измирдаги суҳбатларимизда бунинг кўп гувоҳи бўламиз. Бирорта дўстимизнинг фарзанди дунёга келгач, «Энди тузук қатнашолмайди» деймиз, чиндан ҳам тўлиқ иштирок этолмайди. Шу сабабли ҳам насларимиздан Исломнинг юлдузи бўладиганлар етишиб чиқмайди. Саҳоба оналаримиз яшаган даврларда эса болалигиданоқ мусулмонларга имомлик қилувчи болалар етишарди, Амр ибн Салама розияллоҳу анҳудек. У киши айтадилар: «Мен 6 ёки 7 ёшда эканлигимда қавмимга имомлик қилдим. У вақтда мен одамлар ичида Қуръонни энг кўп билладигани эдим».

Салам ибн Аква розияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўқ отиш мусобақасида Бану Асламдан бир гуруҳ билан учрашиб қолдилар. Қани, Исмоил ўғиллари, оталарингиз жуда яхши нишончи эдилар. Отинг, мен фалон қабилани танладим», – дедилар. Бу сўздан кейин бир гуруҳ отишдан воз кечди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Нега отмаяпсиз?» – деб сўрадилар. Шундай жавоб беришди: «Қандай отамиз, сиз у тарафни қўллаяпсиз». У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна: «Отинг, мен икки томонни ҳам танладим», – дедилар.

«Олим етиштирган оналар» учун Суфён Саврийдан яна бир ривоят келтиришни истадим: Шуъайб ибн Ҳарб айтади: «Аёллардан бири Суфён Саврийнинг ёнига келди. «Ўғлим мендан хабар олмайди, ишини ҳам ташлади», – деди. Суфён: «Ўғлинг нима иш қилади?» – деб сўради. Аёл: «Ҳадис ўрганади», – деб жавоб берди. Суфён эса: «У ҳолда сабр қил ва бунинг мукофотини Аллоҳдан кут», – деди. Онанинг боласини қандай тарбия қилгани унинг бутун ҳаётига таъсир қилади. Боланинг онаси билан барпо қиладиган боғи, умрининг охиригача ўз мевасини беради. Шу туфайли психологлар боланинг оиласи ичида бўлган даврини ҳисобга оладилар. Олиб борилган тадқиқотлар бир боланинг бу даврда олган тарбиясининг унинг кейинги тарбиясида бош мезон бўлишини тақозо этган. Психологлар, тарбиячилар ва мактаб ўқитувчиларининг бола оиласининг қандай эканлигига эътибор беришларининг сабаби мана шу. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай марҳамат қиладилар: «Ҳаммангиз чўпонсиз. Ҳаммангиз ўз сурувингизга жавобгарсиз. Амир маъмурларнинг чўпонидир. Эркак оиласининг чўпонидир. Аёл ҳам уйи ва болаларининг чўпони. Оқибат ҳаммангиз чўпонсиз ва фарзандингизнинг чўпони. Ҳамда ҳаммангиз кўл остингиздагиларга жавобгарсиз».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ҳадиси шарифда шундай марҳамат қилганлар: «Ҳар битта туғилган гўдак Ислом фитрати билан тугилади, сўнгра ота-онаси уни христиан, яҳудий ёки мажусий қилади».

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай марҳамат қилдилар: «Инсон вафотидан кейин барча амаллари ҳам тўхтайди, фақат шу уч нарса бундан мустасно: садақаи жория, фойдали илм ва дуо қилувчи солиҳ фарзанд».

Бир фарзандни дунёга келтириш, қабристонда гул ўстирмоқдир. Бир фарзанднинг ота-онаси бўлиш қабристондаги ўликнинг руҳ қозонишидир. Чунки ота-она қабристонда экан, фарзандининг ибодат аҳлидан бўлиши, уларнинг ҳаётлари давом этишига далилдир.

**АЛИ ИБН АБУ ТОЛИБНИНГ ОНАСИ**

*(ФАРЗАНДИНИ АҲЛИГА ТАСЛИМ ҚИЛГАН ОНА)*

Фотима бинт Асад розияллоху анҳо турмуш ўртоғи Абу Толибнинг акси, илк иймон келтирганлардан. Унинг кўлида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам билан биргаликда Али ва Жафар розияллоху анҳудек икки йигит саҳоба ҳам вояга етган. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Абдулмуталлибнинг вафотидан кейин амакиси Абу Толибнинг оиласига кўчиб ўтганлар. Янгаси бўлган Фотима бинт Асад розияллоху анҳо она шафқати ва меҳри билан муносабатда бўлган. Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам бу ҳақда шундай дейдилар: «У менинг онамдан кейинги онам. Ўз болалари оч бўлса-да мени тўйдирарди. Ўз фарзандлари либоссиз бўлса ҳам менга кийдирарди. Ундан менга кўп яхшилик етган. Мен ҳам ҳозир ўз бурчимни адо этяпман».

Жанобимиз соллаллоху алайҳи ва саллам 20 йилга яқин вақтни Фотима бинт Асад розияллоху анҳонинг ёнида ўтказдилар. Худди шундай Али розияллоху анҳу ҳам 20 йил Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ёнида бўлди. Абу Толиб ва Фотима бинт Асад розияллоху анҳоларнинг яхшиликларини унутмаган Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам қийин кунларда Али розияллоху анҳуни ёнларига олганлар. Қурайш қабиласи қаттиқ очарчиликка дуч келганди, Абу Толибнинг болалари кўп эди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи

ва саллам амакилари Аббос розияллоху анхунинг хузурига бориб, «Амаким Абу Толибнинг болалари кўп, ҳозирги қийинчилик ҳаммамизга маълум, унинг оғирини енгил қилайлик», – деб таклиф берадилар. Абу Толиб уларнинг таклифидан мамнун бўлиб, «Оқилни менга қолдиринг, бошқаларидан қайсини истасангиз, бирга олиб кетинг», – дейди. Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам билан Али розияллоху анху, Аббос розияллоху анху билан Жаъфар розияллоху анху бирга қолишади. Нима эксанг, шуни ўрасан дейдилар. Фотима бинт Асад розияллоху анху ёнига етим бўлиб келган Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга шундай ғамхўрлик қилдиларки, йиллар ўтиб, ўғли унинг ёнида улғайди ва Ислом тарихида буюк унвонга эга бўлди. Фарзандини Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламга берганида ҳали нубувват келмаганди. Яъни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам пайғамбар бўлмасларидан олдин «Ал-амин» эканликларини билгани учун фарзандини омонат қилган. Бундан бирор манфаат кутмаганди ҳам. Улғайгач, яхши яшаб, менга нафи тегади деган хаёлда ҳам эмасди. Фақат амин бўлганлари учун омонат қилганди. Мана бизга тушадиган вазифа: Фарзандимизни омонат қиладиган муаллимимиз «Амин»лардан бири бўлиши лозим.

Фотима бинт Асад розияллоху анхонинг ҳаётидан оладиганимиз 2 дарс бор:

1. Сенга омонат қилинган болани ўз фарзандингдан айирмаки, кўлингда вояга етган бола умматнинг умиди бўлсин.

## ОЛИМ ЕТИШТИРГАН ОНАЛАР

2. Фарзандингни олимлар ва солиҳ бандалар билан бирга қилки, улардан олган файз билан ҳаётини Исломга уйғун ҳолда яшасин. Ота-онасини йўқотган бир бола кун келиб, бизга ҳам омонат бўлиши мумкин. Мана шу ҳолатда Фотима бинт Асад розияллоху анҳо биз учун гўзал ибрат бўлади.



«ИЛМ ЭШИГИ»

Кўлингизда тарбия топган етим кун келиб, тарихга исмини олтин ҳарфлар билан ёздирар; унинг исми ёзилган ҳар жойда сизнинг ҳам исмингиз зикр қилинади. Албатта, буни Аллоҳнинг розилиги учун қилсак, ютамиз. Бошқа бирор манфаат учун қилинса, бу ютуқ фақат шу дунёда бўлади, охиратда эса кўлимиз бўш қолади, Аллоҳ асрасин. Ҳозирги ёшларга қарасангиз, ҳаётларининг марказига шундай одамларнинг кўйганки, у одамлардан кўра ўзлари азиз ҳамда қимматли. Лекин ўзлари буни англамайдилар. Ҳаётини, яшаш тарзи ва кийинишини ўзларини ҳайратда қолдирган кишиларникига ўхшатиб олишган. Уларга ўхшашни юксак бир мартабадек кўришади. Асримизда ахлоқсизлик гўё табиий ҳолатдек қабул қилина бошлади. Мусобақа дастурларига чиққан кичик ёшдаги қизлар, қоматини эркакларга кўз-кўз қилишдан бошқа бир таланти бўлмаган артист аёлларга ҳайрати чексиз. Худди улардек кийиниб, улардек яшай бошлайдилар. Одамлар ҳам бу ҳолатни кўрсатган болаларимизни олқишлаш билан буни бир истеъдоддек, яхши ишдек кўришяпти. Болалар эса қалблари жунбишга келиб, ўзларини буюк бир инсондек ҳис қилишябди. Бу борада оналарга кўп иш бор. Оналар фарзандларини ҳомилалигидаёқ Исломий тарбия билан улғайтиришлари керак. Бола нимани кўп эшитса, нимани кўп кўрса, унга кўп берилади. Ўтмишда болаларни бир устанинг кўлига топширишганда «Эти сеники, суяги меники»



дейиларди. Ҳозир бола бир жойга топширилса, эти, суяги – нимаси бўлса, қолдирилади. Чунки боладан безор бўлган бир жамият ҳолига келдик. Афсуски, фарзанд тарбияси ота-она эмас, муассасалар зиммасида. Шунингдек, ота-она биринчи фарзанддан кейиноқ «иккинчисини хоҳламаймиз» деган гаплар эшитилади. Ҳолбуки, улар хоҳласа ҳам, хоҳламасалар ҳам берадиган ҳам, бермайдиган ҳам Аллоҳдир. Бу каби сабаблар билан фарзандимизни бирорта муассасага ташлаб, ҳам ўзимизнинг ҳам боламизнинг келажагини таҳликага отган бўламиз. Омонат қилганимиз бир мадраса ё бир ҳофиз бор бир жой десак, яна янглишган бўламиз. Афсуски, олим бўлсин, ҳофиз бўлсин мантиғи фақат сўздир. Амал эса йўқ. Шунинг учун ҳам илмдан ва ҳофизликдан совиган насллар улғаймоқда. Атрофингизга бир қаранг, нечта ҳофизи Қуръон уммат дарди билан яшаяпти? Ота-оналар фарзандларини иш ёки мактабга бераётганида ниҳоятда эътибор билан қарашади, лекин мавзу дин тарбиясига келганда, ёзги таътилда маҳалладаги бир имомга жўнатиш билан кифояланишади. Бу билан маҳалла имомларига тош отмаяпмиз. Ота-оналар, маҳалланинг имоми фарзандига яхши диний таълим-тарбия бера оладими деб ҳеч қайғуришмаяпти. Фарзандимизни омонат қиладиган жойимиз ишнинг аҳли бўлган устозлар бўлиши керак. Қуръони каримда Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: «Албатта, Аллоҳ сизларга омонатларни ўз аҳлига топширишингизни ва агар одамлар орасида ҳукм қилсангиз, адолат ила ҳукм этишингизни амр қилур...» («Нисо» сураси, 58-оят). Фарзандимизнинг тарбия оладиган муассаси

## ОЛИМ ЕТИШТИРГАН ОНАЛАР

муҳимдир, фақат муаллим муассасадан олдин келади. Бу муаллим мадрасада ҳам, жомеларда ҳам, тариқат мажлисида ёки ён қўшнимиз ҳам бўлиши мумкин.





## АНАС ИБН МОЛИКНИНГ ОНАСИ

(ҲАМ ШАҲИД, ҲАМ ОЛИМ ЕТИШТИРГАН ОНА)

Исми Румайса бинт Милҳан розияллоҳу анҳо, куняси Умму Сулаймдир. Умму Сулайм розияллоҳу анҳо Молик ибн Нодир билан оила қурган. Улардан Баро ибн Молик ва Анас ибн Молик розияллоҳу анҳолар дунёга келган.

Мадинада Асъад ибн Зурора ва Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳумонинг воситаси билан иймон шарбатини ичган. У иймон келтирганида ўғиллари Баро ибн Молик 11, Анас ибн Молик 9 ёшда эди. Икковлари ҳам оналари билан биргаликда иймон келтирадилар. Икки фарзандини куфрнинг ва ширкнинг чангалидан қутқарган она турмуш ўртоғини қутқара олмайди. Бир куни Молик кўчадан келганида Умму Сулайм Анас ибн Моликка «Лаа илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур Расулуллоҳ» калимасини ўргатаётганди. Буни кўрган Молик ғазабланади ва: «Ўғлимни менга қарши қайрама», – дейди. Умму Сулайм: «Мен уни қарши қилмаяпман», – дейди. Молик янада ғазаб отига миниб, уйини тарк этади. Йўлда аввалдан хусумати бор кишилар томонидан ўлдирилади. Ҳолбуки, иймон боғи бурнининг тагида эди. Умму Сулайм ёш ва гўзал бўлишига қарамасдан 2 йил тул яшади. Бу икки йил вақт ичида мақсади битта эди: болаларини пайғамбарини севадиган инсон қилиб етиштириш. Умму Сулайм 9-10 ёшларда бўлган Анас ибн Моликни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурига олиб боради. Бу

келиши гўё ҳазрати Марям розияллоҳу анҳонинг онаси Ҳаннанинг келишидек эди. «Эй Аллоҳнинг Расули! Бу менинг ўғлим, ёзишни билади. Мана, сизга бир хизматчи. Унинг ҳаққига Аллоҳга дуо қилинг!»

Аллоҳга нисбатан ишқ ва иймон қайси аср ва замон бўлса-да, бир хилдир. Фақат исмлар ўзгаради. Тўланадиган бадаллар ҳам бир хил. Ҳанна ўз асрининг иймонли аёли ўлароқ зиммасига тушган вазифани адо этганди. Умму Сулайм ҳам ўз замонасининг иймонли аёли сифатида бурчини бажарди. Сизлар ҳам бу асрнинг иймонли аёлисиз. Уммат сиздан ҳам ўз бурчингизни бажаришингизни кутмоқда. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу шундай дейдилар: «Мен ҳали ёш бола пайтим эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёнимизга бордилар ва менинг кўлимдан тутдилар. Мени бир хабарни бир жойга етказиш вазифаси билан жўнатдилар. Ўзлари бир деворнинг соясида ўтирдилар. Уларнинг ёнига қайтиб келдим. Онам мендан: «Қаердан келдинг?» – деб сўраганларида мен: «Аллоҳнинг Расули мени бир жойга хабар етказиш учун жўнатган эдилар», – дедим. «Нима эди у?» – деб сўрадилар. «У бир сирдир», – деб жавоб бердим. «Аллоҳнинг Расулининг сирини муҳофаза қил», – дедилар. Мен у сирни ҳеч кимга айтмадим.

## БАРО ИБН МОЛИКНИНГ ОНАСИ

(ҲАМ ШАҲИД, ҲАМ ОЛИМ ЕТИШТИРГАН ОНА)

Умму Сулаймнинг бу умматга етиштирган яна бир фарзанди Баро ибн Моликдир. Унинг тилидан туширмайдиган бир дуо бор эди, Аллоҳга ҳар дуо қилганида шундай ёлворарди: «Аллоҳим, мени йўлингда шаҳодат билан ризқлантир». Онасидан шаҳодат билан боғлиқ оят ҳамда ҳадисларни эшитиб улғайган фарзанд шаҳодат билан ризқланишни сўрайди. Бу нарса сизни ҳайрон қолдириши мумкин. Лекин ҳомиладор ҳолида жангда қатнашган аёл ҳақида эшитсангиз, янада ҳайратга тушасиз. Умму Сулайм розияллоҳу анҳо ҳомиладор вақтида Ҳунайн жангида қатнашган ва жангнинг энг қизғин пайтида қўлида ханжар билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларидан бир лаҳзага ям айрилмаган. Арслоннинг кўриниши ҳам арслондир. Умму Сулайм айнан шундай. Ҳомила билан жангга кирган бир онадан «Шаҳодат билан ризқланишни истайман» дейдиган фарзанд дунёга келмайдими?! Ҳомиладор бўлиш ёки икки уч, тўрт фарзанднинг онаси бўлиш Аллоҳнинг йўлидан тўсиб қўймаслиги керак. Чунки Умму Сулайм розияллоҳу анҳо нимага иймон келтирса, биз ҳам шунга иймон келтирдик.

Бу икки фарзандидан ташқари, унинг яна бир ўғли бор: Абдуллоҳ ибн Абу Талҳа. Унинг туғилиш тарихи қуйидагича: Умму Сулайм бу умматга йигитларни етиштирган бир онадир. Умму Сулаймнинг Абу Умайр исмли яна бир ўғли бор эди.

Оғир хасталик билан вафот этди. Отаси Абу Талха Мадинадан узоқроқдаги бир ерда эди. Умму Сулайм фарзандини кафанлайди. Атрофдагиларга: «Отасига ўғлининг вафотини айтманглар, ўзим айтаман», – деб тайинлайди. Кеч тушиб, Абу Талха уйга келади. Аёли ҳеч нима бўлмагандай кутиб олади. Абу Талха кичик ўғлининг аҳволининг сўрайди, Умму Сулайм: «Аввалгидан ҳам яхши», – дейди. Отаси ўғлининг соғайиб қолганини тушуниб, хотиржам тортади. Аслида Умму Сулаймнинг жавоби энди ўғли вафоти туфайли ҳамма оғриқлардан халос бўлганини билдирарди. Абу Талха таомланиб бўлгач, ухламоқчи бўлади. Умму Сулайм бир оғиз ҳам гапирмайди. Фақат энди ҳолатни айтиш керак эди. У шундай дейди: «Эй Абу Талха! Инсон бир кўшнисига нимадир омонат қилса, кейин омонатни қайтар деса, лекин у кўшниси қайтаришни истамаса, сен унга нима дердинг?» Абу Талха розияллоҳу анҳу: «Бундай кўшни бўладими? Инсон қандай қилиб, омонатни эгасига бермайди?!» – дейди. Умму Сулайм: «Абу Талха! Аллоҳ бизга омонат қилиб берган ўғлимиз Абу Умайрни ҳузурига олди», – дейди. Абу Талха бир лаҳзага ўзини йўқотиб қўйиб, нима дейишини билмай қолади. Фарзандининг вафотини туйиш баробарида, Билол розияллоҳу анҳунинг азон овози кулоғига чалинади. Тезда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларига бориб, вазиятни айтади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳодиса қаршисида шундай жавоб берадилар: «Аллоҳ кечангизни муборак қилсин». Кейинчалик бу муборак кечанинг меваси – Абдуллоҳ ибн Абу Талха дунёга келади. Умму Сулайм чақалоқни Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи ва салламга олиб боради. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам гўдакнинг қулоғига азон ва иқомат айтиб, исмини Абдуллоҳ қўядилар. Сўнгра хурмони муборак оғизларида яхшигина юмшатиб, чақалоқнинг оғзига сурадилар. Абдуллоҳ тезда тамшана бошлайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу манзарага қараб, «Ансорнинг хурмога бўлган муҳаббатини қара», – дейдилар. Абдуллоҳ ибн Абу Талҳа буюк олим бўлиб етишади. Унинг тўққизта фарзанди бўлган, барчалари гўзал ҳофизи Қуръон олимлар эди.

## ОНАДА ЁЛҒОН БЎЛМАЙДИ (АБДУЛЛОҲ ИБН АМРНИНГ ОНАСИ)

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳу ва онасининг ҳаёти ҳақида афсуски тўлиқ маълумот йўқ. Фақат Абу Довуднинг «Сунан»ида келган бир ривоят бор. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳу воқеани ўзи баён қилади: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйимизда ўтирганларида онам мени чақирди. «Қани, тез кел, сенга бир нарса бераман», – дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам онамга: «Болага нима бермоқчисан?» – дедилар. «Унга бир хурмо бермоқчи эдим», – дедилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Диққатли бўл, агар унга ҳеч нима бермасанг, сенга бир ёлғон ёзилади», – дедилар. Ота-онасининг ҳамиша тўғри сўзлаганини кўрган бола ёлғоннинг қандай ёмон эканлигини билади. Сизнинг унга «Ёлғон гапириш гуноҳ» дейишингиздан кўра ёлғон сўзламаслигингиз таъсирлироқ бўлади. Ёзда Куръон курсларимиз давом этаркан, кундузлари болаларга Ислом ҳассосиятини қанчалик ўргатсак-да оқшом уйларига кетганларида, биздан эшитганларининг унчалик таъсир қилмаётганини сездим. Дарҳол оталарига мактуб ёздим. Уларга: «Биз фарзандларингизга қанчалик тушунтирсак-да, айтганларимизни болалар сизларда кўрмаса фойдаси йўқ», – дедим. Бир она ўз хотиралари билан ўртоқлашиб, менга хат ёзибди: «Домла, мен фарзандим сабаб сатрландим. Бир куни унга сатри аврат ҳақида тушунча



бердим, шунда у менга: «Она, сатрланиш шунчалар аҳамиятли бўлса, нега сиз сатрланмагансиз?» – деди. Шундай таъсирландимки, ўша пайт сатрландим» деб ёзганди. Шунини унутмаслик керакки, болалар ёлғон гапиришни уйдагилардан ўрганади. Телефонда кимдир сўраса, мени йўқ де, ёки бирор нима сўраб чиққан кўшнига бизда ҳам қолмаган деб айт каби гапларимиз билан болаларни ҳам ёлғонга ўргатамиз. Ёлғон ҳаётимизнинг ҳар дақиқасида бор, ТВ дастурларида ҳам жуда кўп кузатилади. Ҳатто баъзиларининг номи «Ширин ёлғонлар» деб аталади. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай марҳамат қиладилар: «Қул ёлғон сўзлашда ва ёлғон сўзлаш ниятида давом этаверса, вақти келиб, қалбида аввал қора бир нуқта пайдо бўлади. Сўнгра бу нуқта катталашади ва бутун қалбини эгаллаб олади. Оқибатда Аллоҳнинг наздида «Ёлғончилар» орасига битиб қўйилади».

Бир онанинг еган таоми, ичгани ва фарзандига берган сути боланинг вужудига озик бўлганидек, тилидан чиққан сўзлар ҳам боланинг руҳига озик беради. Ҳомилалик пайтида чақалоқларнинг она қорнидалигидаёқ онасининг овозини эшитиши ва юрак уришини ҳам сезишини яхши биламиз. Ўйлаб кўрайлик, она ҳомиладор вақтида ёлғон гапирса – Аллоҳ асрасин – буни бола эшитади. Ёлғон гапирганингизда бунга болангиз гувоҳ бўлгани билан барабар ҳолатдир бу. Ким билади, неча марта фарзандимизни уйга ёки бошқа жойга чақириш учун ўзимиз кичик санаган ёлғон чуқурига тушдик. Биз буни ёлғон деб ҳисобламадик ҳатто. Аммо бу

маданиятнинг авлодларидан бири бўлган Имом Бухорий бунинг ҳам ёлғон эканини, Аллоҳдан паноҳ сўраш керак бўлган гуноҳлигини биларди. Шу туфайли кўлида бир нарса бордек уни чақирган ва алдаган бирор кишидан ҳадис олмасдан, улардан қочадиган муҳаддисларимиз бор. Сўзимиз сўнгида шуни айтишни истардим. Боламизни ёлғонимизга шерик қилишимиз қандай ёмон ҳолат. Фарзандимиз ёнимизда бўлганида эшитмасин деб ундан гўё яширин ҳолда чеккароқда ёлғон сўзлашимиз ҳам айни пасткашликнинг ўзидир. Боламиз эшитмаса ҳам Аллоҳ эштади-ку.

**«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳдан қўрқинг ва ҳақиқатни сўзланг».**

(«Аҳзоб» сураси, 70-оят)

## ҲАСАН БАСРИЙНИНГ ОНАСИ

(ФАРЗАНДИНИНГ ЛУҚМАСИГА АҲАМИЯТ

БЕРГАН ОНА)

Ҳасан Басрийнинг онасининг исми Ҳайра эди. Ҳайра Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёли Умму Сулайм онамиз розияллоҳу анҳонинг хизматчиси эди. Шу туфайли Ҳасан Басрий Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёли ҳимоясида эди. Бир куни Ҳайра бир жойга кетади, Ҳасан йиғлай бошлайди. Ҳеч овунмайди, боланинг эмгиси келаётганди. Умму Сулайм онамиз розияллоҳу анҳо Ҳайрани излаб тополмайдилар, охири гўдакнинг йиғисига чидамай, уни ўзлари эмизадилар. Бундан кўринадикки, бола тарбиясида кимнинг сутини эмганлиги ҳам катта аҳамиятга эга экан. Болаларимизни ёмонлар даврасига қўшмаганимиздек, уларнинг ёмон хулқли бир аёлни эмишига ҳам изн бермаслигимиз лозим. Бизга маълумки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сут онаси Ҳалима онамиз эди. У Бану Саъд ибн Бакр қабиласидан эди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жуда фасоҳатли сўзлаганларини биламиз. Бир ривоятда шундай дейилади: «Сизнинг энг фасоҳатлингиз менман. Мен Курайшданман. Тилим Бану Саъд ибн Бакр тилидир».

Болаларимиз – бизнинг борлиғимиз, келажагимиз. Уларни дуч келган кишиларга ташлаб қўя



олмаймиз. Ота-она ибодатли бўлиши мумкин, лекин фарзанди бошқача ҳаётда яшаётган бўлиши ҳам мумкин. Бизлар масжидда илм суҳбатларида эканмиз, авлодларимиз Исломдан узоқ бўлган кишиларнинг ёнида бўлса, улар ҳам ўшаларга ўхшай бошлайди. Биз яшаётган жамиятда болаларимиз ота-онасидан алоҳида улғаймоқда. Капитализм системасига берилган ота-оналар болаларини энагаларга, мураббийларга топширмоқдалар. Ҳеч қайси жой онанинг қучоғи берадиган бахтни ҳадея эта олмайди. «Ҳаёт – мураккаб, она ишлашга мажбур» деб баҳона қилиб, унинг ортига беркина олмаймиз. Ҳеч бир моддий қийинчилик боламизнинг келажагини ёмон тарафга оғишига йўл қўядиган даражада муҳим эмас. Қаҳрамонимиз Ҳасан Басрий ҳақида шундай дейилади: «Ҳасаннинг ёнига кирганимизда, дунёга ҳеч қиймат бермайдиган ҳолатда чиқардик».

Эмикдошлик ҳақида гап кетганда, афсуски, бугунги кунимизда эмикдошлар ўртасида никоҳ ҳаром эканлигини кўпчилик билмайди. Буни бериладиган саволлардан ҳам билса бўлади. Агар ўғил бола бир онани эмса, ўша онанинг фарзанди ҳисобланади. Шу сабабли у ўғил фарзанд ўша аёлга уйлана олмайди. Шунингдек, сут онанинг қизлари, онаси, холалари, невараларига ҳам. Сут онанинг эри ҳам сут ота бўлади. Шу жиҳатдан сут отанинг онаси, опа ё синглиси билан никоҳланиши ҳаромдир. Қисқаси, сут эмган оиласининг бир аъзоси ҳисобланади.

**АБДУЛҚОДИР ЖИЙЛОНИЙНИНГ ОНАСИ**  
(ФАРЗАНДИНИНГ ИЛМ ЙЎЛИДАН КЕТИШИГА ИЗН  
БЕРГАН ОНА)

Инсонларнинг қалбларига таъсир қилган; қанча маънан қовжираган қалбларни Буюк Аллоҳнинг ўзига ато этган лутфи билан ёмғирдан кейин унган гиёҳдек ундириб, Аллоҳга юзланишига васила бўлган Аллоҳнинг бир дўсти...

Қалби Аллоҳ ишқи билан ёнган бу валиюллоҳ ҳижрий 470 (милодий 1077) йилда Ҳазар денгизининг кун ботиш тарафидаги Гийлон вилоят марказига қарашли Найф қишлоғида туғилди. Бир шоир унинг туғилиши ва вафоти ҳақида шундай деган: «Ишқ билан келди, Камол билан вафот этди».

Ота тарафдан келиб чиқиши ҳазрати Ҳасан розияллоҳу анҳуга, она тарафдан эса ҳазрати Ҳусайн розияллоҳу анҳуга бориб тақалади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам авлодларидан.

Абдулқодир Жийлоний ҳам бошқа буюк шахслар каби ёшлигидан етим қолган. Унинг тарбияси ва таҳсили билан онаси Уммул Хайр Аматул Жаббор Фотима ва бобоси Савмай шуғулланган. Отасиз катта бўлишнинг барча қийинчиликларини онаси кўнглига кўмиб, фарзандига буни сездирмаган.

Абдулқодир ибодатга муҳаббати билан бир-га, илмга ҳам рағбати кучли эди. 18 ёшга етганида онасига бир масаладан гап очади. Нияти ўз даврининг илм ва маданият маркази бўлган

Бағдодга кетиб, Ислом илмларини ўрганиш эди. Онаси рухсат бериб, дуолар қилади. Она учун бу осон эмас. Уйлашингиз мумкин, у пайтда илм таҳсили учун шаҳар ташқарисига чиқиларди, бу қийин эмасди деб. Кетишга рухсат бермайдиган оналар ҳам бор эди. Масалан, «Кутубу ситта» имомларининг устози бўлган Муҳаммад ибн Башар онасидан илм таҳсили учун кетишга рухсат ололмайди. Онаси вафот этгунга қадар ёнида бўлади. Илм таҳсилини онаси вафот этгач бошлайди. Ҳозирда биз бир ҳадисни топиш учун интернетга ёзиб, излаш имконига эгамиз. Бу ҳадисларнинг тагида қанча ошиб ўтирилган йўллар бор аслида. Бир ҳадис учун кунлаб, ойлаб йўлда юрган олимларимиз бор. Бу хотиралар учун мустақил бир асар ҳам ёзилган. Кўп оналар болаларининг узоқда яшашига бардошлари етмаганидан, уларнинг таълим олишларига қарши бўлишади. Ҳатто ёзги таътиллarda ҳам катталар билан қилинадиган илмий суҳбатларга ҳам жўнатмайдилар. Нима учун Ислом учун бадал тўламаймиз? Абдулқодир Жийлонийнинг онаси бу бадални ўтади. Аллоҳ розилиги учун ўзи улғайиб, катта бўлган яқинларининг ёнидан айрилиш мақсадлари улкан бўлганлар учунгина сабр қилинадиган қийинчиликдир. Илмига амал қилган, амал қилдирган, мингларча инсонни суҳбат мажлисларига тўплаган Аллоҳнинг дўсти. Онасининг дуосини олган фарзанднинг ютуғи бу. Шайх Муваффақаддин ибн Қудама шундай деган эди: «Мен ҳеч кимсанинг дини учун бунчалик севилганини кўрмадим. Султонлар, вазирлар унинг суҳбатларига ялиниб, талашиб кирардилар. Одоб ва ҳурмат билан ўтирардилар».

## ИМОМ ШОФЕЪИЙНИНГ ОНАСИ

(МОДДИЙ ИМКОНСИЗЛИКНИ БАҲОНА ҚИЛМАГАН  
ОНА)

Имом Шофеъий Қурайш қабиласидан. Шажараси ота тарафдан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тўртинчи боболари Абдулманоф билан бирлашади. Гўдаклигидаёқ отасидан айрилган. Онаси унинг қайси наслдан эканини билгани учун 2 ёшлигидаёқ Маккага олиб боради. Бу вазиятни ўзи шундай изоҳлайди: «Онам менга: «Сен ҳам қабилангга қўшил, сен ҳам улардек бўласан. Мен насабинг йўқолишидан кўрқаман», – деди ва мени Маккага олиб борди. Маккага келганимда мен 10 ёшларда эдим. Қариндошларимдан бирининг ёнида қолдим, илм ўргана бошладим».

Ҳар бир она фарзандининг келажаги ҳақида қайғуради; бунинг учун олдиндан ҳаракат қилади. Ҳозирги оналарнинг фарзандлари борасида энг биринчи қўйган мақсади мўмай пул топадиган бир ишдир. Имом Шофеъийнинг онасининг мақсади эса илмдир. Имом Шофеъий жуда кичик ёшдаёқ Қуръонни ҳифз қилган. Онаси унга илм йўлида энг катта суянчиқ бўлган. Фақир ва йўқсил эканликлари илм олишда анча қийинчиликлар туғдирса-да, тўсиқ бўлолмаган. Бу қийинчиликлардан бири ёзиш учун қоғоз тополмаган. Онаси фарзанди билан қоғоз топиш учун ҳукумат биносига борган. У ердан кераксиз деб ташлаб юборилган қоғозларни

йиғади. Қоғознинг бўш жойларини топиб, тўғрилаб, фарзандига беради. Мана шу қоғозларга имом Шофеъий Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини ёзиб, ҳадис илмида юксак чўққиларни забт этган. Кераксиз қоғозларга ёзган илмлари уни шу даражага етказган. «Суннатнинг кўриқчиси» – нақадар буюк унвон, шундай эмасми?! Бир куни имом Шофеъий мадрасада устозининг у билан шуғулланмай, бойларнинг болалари билан шуғулланаётганини келиб онасига айтади. Онаси кўнгли ўксиган ўғлига шундай тавсия берган: «Болам, сен ҳам устозинг қайси талаба билан кўпроқ шуғулланса, унинг ёнига бориб ўтир. Фақат тингла ва илм ўрган». Шу тавсия билан имом Шофеъий «Суннат кўриқчиси» унвонини олган. Бу буюк унвоннинг тагида дардли бир онанинг имзоси бордир!



ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ОНАСИ

(КЎП ДУО ҚИЛАДИГАН ОНА)

Ҳадис илмининг энг буюк олимларидан бири Имом Бухорийдир. У ҳам кичиклигида отасидан етим қолган олимлардан. Манбалардан онасининг исмини тополмадик. Фақат дуоси мақбул, диндор бир аёл эканлиги маълум. Имом Бухорийнинг ёшлигида кўзлари кўрмай қолади. Бухорийнинг онаси эса кўз ёшлар билан Аллоҳга тўхтовсиз дуо қилади. Бир куни тушида ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломни кўради. Иброҳим алайҳиссалом унга: «Эй хоним, Аллоҳ ўғлингнинг кўзларига сенинг тўккан кўзёшларинг ва Аллоҳга дуо қилганинг ҳурмати учун қайта нур бахш этди», – дейди.

**«Агар дуо-илтижоларингиз бўлмаса, Роббим сизларга ҳеч қиймат бермас.»** («Фурқон» сураси, 77-оят).

Биз дуоларимиз қадар бормиз. Қўлларимизни очиб, «Аллоҳим» дейишимиз оддий бир нарса эмас. Самонинг калитидир. Ожиз бўлган қул билан оламларнинг Робби бўлган Аллоҳ орасида қурилган муҳаббат боғидир. Бу боғни соғлом қурганлардан бири имом Бухорийнинг онасидир. Фарзанди ҳақида Аллоҳга қўлларини очади ва Қудратли Аллоҳ унинг дуосини қабул қилади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабул бўладиган дуолар сафида эътироф этганларидан бири ҳам ота-она дуоси ҳисобланади. Бир ҳадисда шундай марҳамат қиладилар: «Ҳеч шубҳа йўқки, уч кишининг дуоси

қабул бўлади: ота-онанинг фарзандига қилган дуоси, мусофирнинг дуоси ва мазлумнинг дуоси».

Имом Бухорий ёшлигиданоқ ҳадисларни ёд ола бошлаган. Шунга доир бир воқеа айтиб ўтилади. Бир куни ҳадис мажлисида ўша даврнинг муҳаддисларидан Ад-Доҳилий, «Суфён ан-Абиъз Зубайр ан-Иброҳим» деб бир ҳадисни нақл қилади. Имом Бухорий эса Абиъз Зубайрнинг Иброҳимдан ҳадис эшитмаганини, бу ровий санадининг хато эканлигини айтади. Зеро, Иброҳимдан ҳадис ривоят қилган одам Абиъз Зубайр эмас, Зубайр ибн Адий эди. Ад-Доҳилий ҳадиснинг санадини такрор текширади ва шу жавобни беради: «Ҳақсан, бу санад хато экан».

Эътибор беринг, имом Бухорий бу ерда ҳадис матнидаги хатоликни эмас, ровийлар занжиридаги хатони топади. У замонларда ҳадислар бугунги кундагидек «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилади» деб айтилмасди. Илк ривоят қилган кишидан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга қадар ровийлар занжири айтиларди. Ундан кейин «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар» дейиларди. Имом Бухорий бу ҳадисни таҳлил қилганида 11 ёшда эди.

Имом Бухорий онаси ва укаси билан Маккага кетади. Ҳаж ибодатини тамомлаб, онаси Бухорийни Маккада қолдириб, иккинчи ўғли билан қайтиб кетади. Имом Бухорий ҳадис илмини ўрганиш учун Маккада қолганлигини айтиб ўтган. Ота-онанинг фарзанди учун қилган дуосининг аҳамиятига доир яна бир ривоятни келтиришни истардим.

Тобеинлардан бири Муовия ибн Қурронинг Иёс

исмли фарзанди дунёга келгач, дўстларини уйига таклиф қилади. Муовия ибн Қурро шундай дейди: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг асҳоби, мени эшитинг, сизга таом бердим, Иёснинг ақиқасини едингиз. Дуолар қилдингиз. Аллоҳ сиздан рози бўлсин. Модомики таомимни едингиз. Энди мен болам учун дуо қиламан. Сиз ҳам «Амийн» денг. Боламнинг мўмин ва оқил бир инсон бўлиши учун дуолар қилдим, улар ҳам «Амийн» дедилар».

80 ёшларида ҳам бу хотирасини шундай эслайди: «У кун мен дуо қилар, саҳобийлар «Амийн» дейишаркан, ўша пайтда нима деб дуо қилган бўлсам, ҳаммасини фарзандимда кўрдим. Фарзанд учун қилинган дуо кун келиб, унинг олим бўлишига сабаб бўлади. Болаларимиздан дуоларимизни аямайлик!



**АХМАД ИБН ҲАНБАЛНИНГ ОНАСИ**

*(ФАРЗАНДИНИНГ КИТОБЛАРИНИ КЎТАРГАН ОНА)*

Аҳмад ибн Ҳанбалнинг отасининг исми Ҳанбал эмас, бобосининг исмидир. Отаси Муҳаммад ибн Ҳанбал ибн Ҳилолдир. Отаси Муҳаммад 30 ёшларида вафот этган. Онасининг исми София бинт Маймунадир. Боланинг тарбияси билан онаси шуғулланган. Уни илм таҳсилига берган. Аввал Қуръон ҳифз қилиб, кейин араб тили, ҳадис, саҳоба ва тобеинлар ривоятларини, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сийратларини ўрганган. Аҳмад ибн Ҳанбал отаси билан боғлиқ сўнгги хотираларини шундай эслайди: «Отам менга бир тери парчасини қолдирганди, онам унинг ичида бир дур сақлаганди. Катта бўлганимда ҳалиям ўша тери парчаси онамда эди. Менга берганларида уни сотдим. Тахминан, 30 дирҳам бўлди».

Онаси турмуш ўртоғи вафот этгач, қийин кунлари учун ўша дурни авайлаб, яшаганди. Уни сотса-да эҳтиёжларининг биригина қопланарди, холос.

Онаси билан боғлиқ хотираларини эса шундай ёдга олади: «11 ёшимда онам Бағдоддаги бир ҳадис олимига дарс таҳсили учун олиб борди. Фақат дарс оладиган устозим бомдод намозидан кейин ўқитиб, ишроқ вақтигача дарс берарди. Шу туфайли онам мени барвақт уйғотар ва йўлга чиқардик. Йўлда китобларимни онам кўтариб юрарди ҳамда бомдод намози пайтида Бағдодда бўлардик. Дарс тугагунча

онам мени кутарди. Дарсдан сўнг уйга қайтардик. Онам мени уйда қолдириб, ўзи ишлашга чиқиб кетарди.

Уйингизда «Муснад» номли китоб борми? Бу китоб Аҳмад ибн Ҳанбалнинг бизга етказган ҳамда ҳадис илми ичида энг қимматли асарлардан бири. Араб тилидагиси 11-12 жилд бўлган бу асарда фарзандининг китобларини елкасида кўтариб юрган онани тасаввур қиласизми? Аҳмад ибн Ҳанбал вафотидан 1164 йил ўтди. Шунча йилдан буён «Муснад» талабаларнинг илм манбаи бўлиб келмоқда. Бу асардан фойдаланишганда ҳар бир ҳадисдан онасининг оладиган савобини ўйланг. Қандай буюк неъмат! Тенгдошлари ўйин ўйнашаркан Аҳмад ибн Ҳанбал жиддий ишлар билан шуғулланарди. Етимлик унга жиддият, сабр ва ҳаракатчанлик берганди. Ривоят қилинишича, бир ота шундай демиш: Мен болаларим учун жуда кўп маблағ сарфлайман. Уларни илмли бўлсин деб хусусий мураббийларга олиб бораман. Фақат ўйлаганимдек билим эгаси бўлмадилар. Етим бола бўлган Аҳмад ибн Ҳанбалга қаранг! Унинг одоб ва гўзал хулқи ҳаммани ҳайрон қолдиради. София бинт Маймуна бинт Абдулмаликнинг турмуш ўртоғи Муҳаммад ибн Ҳанбал 30 ёшларда эди, унинг вафотидан сўнг Аҳмад ибн Ҳанбалнинг онаси турмушга чиқмай, ҳаётини ўғлига бағишлади. Аҳмад ибн Ҳанбал шундай деган эди: «Онам София бинт Маймуна, мен 10 ёшдалигимда Куръони каримни ёд олган эди. Мени бомдод намозидан аввал уйғотиб, таҳорат қилишим учун сувни иситиб, менга таҳорат олдиради. Таҳорат қилгач, мени масжидга олиб борардилар. Масжид бизга узоқ эди».

## СУФЁН САВРИЙНИНГ ОНАСИ

(БИР ОНАНИНГ ФАРЗАНДИГА НАСИХАТИ)

Суфён Саврий фақих, муфассир, муҳаддис ва илми билан амал қилган зоҳид бир кишидир. Имом Авзоий у ҳақда: «Менга Аллоҳнинг китоби ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннати билан амал қилган бир инсонни кўрсатинг дейилса, Суфён Саврийни танлардим», – деган.

Суфён Саврий бошқа олимлардек отасини ёшлигида йўқотган эмас. Отаси Саид ибн Масрук ҳижрий 126 йилда вафот этган. Бу тарихда Суфён Саврийнинг 29-30 ёшларига тўғри келади. Манбалардан Суфён Саврийнинг онасининг исми ҳақида маълумот тополмадик. Фақат унинг фарзандига қилган насиҳати бор ва бундан унинг қандай тақво эгаси эканлиги маълум бўлади. Бир куни онаси Суфён Саврийга: «Эй ўғлим! Кет ва илм ўрган. Мен сенга моддий томондан ёрдам бераман. Ўн ҳадис (ҳарф) ёзганигда ўзингда бирор ўзгариш сезсанг, илм олишда давом эт. Йўқ, агар нафсингда ҳар доимги ҳолатингдан бирор ўзгариш бўлмаса, беҳуда уринма».

Ўрганганларимиз билан амал қилишимиз керак. Амал қилмасак, қуруқ билимдан фойда йўқ. Унда «Жума» сурасида «Китоб ортилган эшак» дея таърифланган кимсалардан бўлиб қоламиз. Масалан, ҳадислар ўқиймиз, кунига 3, 5, 7 ҳадис ўрганамиз. Ҳаётимизда 3, 5, 7 амал ортмаса, бу

ўрганганларимиз на дунёда, на охирада бизларга фойда беради. Бу муборак онамиздан бизга етиб келган ягона хотира мана шу. Абдуллоҳ ибн Муборак Суфён Саврий ҳақида шундай дейди: «Суфён Саврийнинг мажлислари менга ёқарди. Уни қачон кўрсангиз, Ислом амрларини бажараётган, намоз ўқиётган ёки фикҳ ҳақидаги баҳсларда бўларди».

Илм ўрганган болаларимизга Куръондан бир сура ёдлашса, қани, ўқи, кўрсинлар дейишимиз мумкин. Бироқ аввало илм Аллоҳ розилиги учун бўлиши лозим. Акс ҳолда бу илм вақти келиб, бошқаларнинг мамнунлиги учун ўрганилган бир илм ҳолига келади. Фарзандимиз устозидан нимадир ўрганганида «Болам, айт-чи, отанг кўрсин» дейиш ўрнига, «Болам, сен буни Аллоҳ учун ўргандинг» дейишимиз керак. Фарзандимизни ҳофиз бўлсин деб мадрасага берсак, кун келиб ижтимоий тармоқнинг, туғилган кунларнинг, жанозаларнинг гўзал овозли ҳофизи бўлганини кўрамиз. Аллоҳ асрасин. Ҳофизлик таълими учун уни олиб борган кунимиз нима учун ҳофиз бўлишини тушунтириб, насихат қилишимиз керак бўлади. Давримизда илмга жуда осон етишиш мумкин. Одамлар энг қийин мавзуларга оид билимларга ҳам осон етишмоқда. Буюк ва улкан асарлар pdf шаклида компьютерларимиздан жой олган. Илмга бу қадар осонлик билан эришиш натижасида, ҳар асрнинг ўз хасталиги бўлганидек, бу асрнинг хасталиги – ҳар кимнинг билиш хасталиги. Одамларга фоизнинг ҳаром эканини айтасиз. Жавоби: «Мен ҳам биладан, аммо...» Инсонларни намозга даъват қиласиз. Жавоби: «Мен ҳам биладан Аллоҳнинг фарз қилганини!

Аммо...» Одамларга шариат дейсиз... Жавоби: «Биз ҳам биламиз шариатни! Аммо...» деган жавоблар оласиз. Шифокорлик, техника ҳақида ҳамма баҳслаша олмайди, лекин гап Исломга келганда ҳамма олимдек сўзлай бошлайди. Илмга бу қадар осон етишишнинг бошқа бир зарари олимларнинг, Ислом илмидан дарс берувчи устозларнинг у қадар қиймати қолмаслигидир. Чунки ҳар бир одам ўзи олимдек эндиликда. Жамоат намозида бир мусулмонга: «Сафларни тўлдирайлик», – дедим. У ҳеч нима билмагандай тураверди. Бошқаларга айтдим, улар ҳам жойидан қимирламади. Сафда бўшлиқ бўлгани ҳолда намоз ўқидик. Сўнгра сафда тўғри турмаганлардан бирига: «Сизни сафни тўлдиришга чақиргандим», – дедим. «Қаердан чиқди бу?» – деди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадислари бор бу ҳақида десам, берган жавоб одамни ҳуркитади. «Пайғамбар бунақа гап айтмайди!» – деди. Шунчалик аниқ биладики, тасаввур қилаверинг. Хотиб ал-Бағдодийнинг «Иқтизоул илмул амал» асарида шундай ўқигандим: «Мунофиқнинг илми тилида, мўминнинг илми эса амалидадир». Яна бир сўзи бор, йиллар аввал онасининг ўзига қилган насиҳатини ҳаётига татбиқ қилгани ва онасининг насиҳатини инсонларга етказганини кўрсатади:


«Инсонлар ҳадисни қўлга киритишдан хушнуд бўлдилар, аммо у билан амал қилишни тарк этдилар».



**ИМОМ АВЗОЙНИНГ ОНАСИ**  
**(ФАРЗАНДИНИНГ БАРЧА ЭҲТИЁЖЛАРИНИ**  
**БЎЙНИГА ОЛГАН ОНА)**

Имом Авзой отасидан жуда эрта етим қолади. Шу сабабдан моддий томондан ниҳоятда қийинчилик кўради. Энг улкан бойлиги бўлган онаси унинг тарбияси, эҳтиёжлари ва илм таҳсили билан ўзи шуғулланади. Манбаларда онасининг исми йўқ. Фақат фарзандининг ҳамма эҳтиёжларини бўйнига олгани ҳақида айтилади. Валид ибн Мазид: «Онасининг ҳимоясида фақир бир етим ўлароқ вояга етди. Тарбия кўрди. Шунчалик одобли эдики, ҳатто султонлар ҳам ундаги хусни хулқ билан болаларини тарбия қилишга ожиз эдилар. Ундан беҳуда сўз эшитмадим. У гапирганида эшитувчи учун мутлақо зарур бўлганини ва керакли сўзни айтарди. Қаҳқаҳа отиб кулганини ҳечам кўрмадим. У охират ҳақида сўзлай бошлаганида атрофида ундан бошқа йиғламаган қолмасди», – деган эди.

Имом Авзой шундай бир толиб эдики, узоқ вақт дарсларида иштирок этган устози Макхул ибн Абу Муслим ўз исмидан кўра кўпроқ «Авзойнинг устози» дея машҳур бўлганди. Абу Исҳоқ Шерозий у ҳақда 13 ёшлигиданоқ ундан фатво сўрашганини айтган. Онасининг кўлида тарбияланиб, вояга етган бу имом ҳозирда бизнинг «Бола бу, қаердан ҳам билади» дейдиган бир пайтда фатво берадиган бўлганди. Буюк мақсадлари бўлган оналарнинг кўлидан буюк олимлар етишади. Бу сатрларни



ёзаётиб, хаёлимга келган бир нарсани айтгим келди: 3-4 йил аввал 10-12 ёшдаги болалар бир имтиҳонга киргандилар. Имтиҳонда болалардан таяммум ҳақида сўралган экан. Имтиҳондан чиққанларида оналари: «Булар ҳали бола бўлса, имом бўлармидики, булардан таяммум ҳақида сўрашади», – дейишди. Аввалги оналарнинг кундалик ҳаёти эди ундай ҳолат. Ҳозирги ҳолимиз эса бу....

**УВАЙС ИБН АМИР ҚАРАНИЙНИНГ ОНАСИ**  
(ПАЙҒАМБАР ОШИҒИНИ ЕТИШТИРГАН ОНА)

Усайр ибн Жобир розияллоҳу анҳу айтади: «Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг ёнига яманликлардан келишганида «Орангизда Увайс ибн Амир борми?» – деб сўрардилар. Ниҳоят у келди. Ораларида шундай суҳбат бўлди:

– Сен Увайс ибн Амирмисан?

– Ҳа!

– Муроддан кейин Қарандан-а?

– Ҳа.

– Сенинг онанг борми?

– Ҳа!

– Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдим. Шундай дегандилар: «Сизга аввал Муродда яшаб, кейин қаранлик бўлган Увайс ибн Амир Ямандан ёрдам кучи билан келади. Унинг онаси бор. У онасига меҳрибон. У нимани истаса, Аллоҳ унинг истаганини беради. Агар ундан ўзинг учун истиғфор сўрай олсанг, сўра».

Давримизнинг неъматларидан бири ҳам ҳар хил мавзуга оид китобларнинг борлигидир. Ва бу китобларга жуда осон етиша оламиз. Масалан, болалар учун Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни севдирадиган китоблар деб изласангиз, олдингизга минглаб китоблар чиқади. Балки болалар учун бундай китобларни олгандирсиз. Ижозатингиз билан бир нарсани сўрасам, сизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни севдириш учун

онангиз бирор китоб олганми? Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг исмларини эшитганданок ўзидан кечадиган Аллоҳ дўстларига оналари бирор китоб билан севдирдими Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламини. Масалан, менинг онам менга бирор китоб олиб севдирмаган у зотни. Пайғамбар севгисини китоблардан кўра кўпроқ ота-онанинг у зотга кўрсатган ҳурмати белгилайди. Фақат китобларнинг ўзигина бизни пайғамбар ошиқлари қилолмайди. Пайғамбар севгисини китобга боғлаш хато. Ҳеч қайси китобдаги Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётига доир бир хотира сизни худди ўша вақт ўша жойда бўлгандек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир хотирани айтиб берганингиздек таъсирли бўла олмайди. Ҳаммангизнинг бошингиздан ўтгандир. Совуқ қиш кечаларида ётоққа кирганингизда онангиз ҳам сизни ухлатиш учун ёнингизга кирган. Ёнаётган чироқнинг сояси деворда кезади. Қулоғингиз онангизда, у сизга энг гўзал инсон ҳикоясини айтиб беряпти. Мана шу ҳикоялар сизга жилд-жилд Ислом тарихи ҳақидаги китоблар бера олмайдиган театр саҳнасини яратади. Оналарнинг овозлари болалар қулоғида янаям ёқимли жаранглайди. Шу туфайли ҳам аллани оналар айтади. Алла айтган оналарнинг тилига оят, ҳадис ва сийрат ҳақида сўзлаш қанчалар ярашади.


## ШУЪБА ИБН ҲАЖЖОЖНИНГ ОНАСИ

(ФАРЗАНДИНИ ҲАДИС ИЛМИГА

ШИЖОАТЛАНТИРГАН ОНА)

Шуъба ибн Ҳажжож «Кутубу ситта»да энг кўп ривояти келтирилган ва табаа тобеинлар наслидан бўлган бир муҳаддис ҳисобланади. Шуъба ибн Ҳажжож ҳам кичиклигида отасидан айрилган. Таҳсили ва тарбияси билан онаси шуғулланган. Манбаларда онасининг ҳадис илмига дахлдор эканини кўрсатувчи нақллар мавжуд. Онаси муҳаддис эмас. Фақат фарзандининг бу илмда етук инсон бўлишини истаган. Бунинг учун ҳаракат қилган ва дуо қилган. Шунини айтиб ўтиш жоизки, у даврларда илм ташвиқ қилингани боисдан оят ва ҳадислардан озми-кўпми барчанинг хабари бўлган. Шуъба ибн Ҳажжожнинг онаси ҳадисдан хабардорлигининг сабаби ҳам шу. Онаси ҳақидаги хотирани Шуъба ибн Ҳажжожнинг ўзи шундай эслайди: «Онам менга, қара ана у ерда бир аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳадис ривоят қиляпти. Бор, сен ҳам ҳадис тингла», – деди. Кейин ўша аёлнинг ёнига бордим. Ундан ҳадис эшитдим, сўнгра онамга келиб, «У аёлдан ҳадис эшитдим», – дедим. Онам менга: «Аллоҳ сени ҳисоб қилмасин», – дедилар».

Онасининг ундашлари билан ҳадис илмига қизиқиши уйғонган Шуъба бу илмда юксак чўққиларга чиқди. Ҳадис илмида устоз бўлганлардан бири Суфён Саврий уни «Ҳадис илмида мўминларнинг амири» дейди. Ҳадис илмида шу даражага



етганига қарамай, илму одоби ҳам ўрнидадир. Ҳадис ўрганган устозларига ҳурмат кўрсатади ва шундай дейди: «Мен ҳадис ўрганган ҳар битта устозимнинг қулиман». Бу тавозега бир қаранг, устозга бўлган ҳурматни кўринг. Мана шундай ҳурмат ва тавозе билан илм қўлга киритилади. Аллоҳ ўрганганларига баракот беради, бири минг бўлади. Устозига меҳри йўқ, уч калима ўрганиб, кибрга бериладиган кимсага Аллоҳ илм, ирфон, басират берадими?! Ислом умматининг ичига тушган чуқурларидан бири ҳам айнан мана шу. Устозларини кўрганида ҳурматдан бошини эгадиган толибдан, ҳозирда устозни уришга шай ўқувчигача. Шу сабабли ҳам ҳозирги пайтда Шуъбалар, Аҳмад ибн Ҳанбаллар етишмайди.

**АБДУРАҲМОН ИБН ХОРИСНИНГ ОНАСИ**  
(ИККИНЧИ НИКОҲНИ ФАРЗАНДИ УЧУН ХАЙРГА  
ВАСИЛА ҚИЛГАН ОНА)

Онаси Фотима бинт Валид ибн Муғийра эди. Ёшлигида отасидан айрилган. Онаси ёшлигидан тул қолган, фарзандининг тарбиясини асло унутмаган аёл эди. Фотима бинт Валид Умар ибн Хаттоб розияллоху анху билан оила қурган. Бу никоҳ Фотима учун жуда хайрли бўлганидек ўғли Абдурахмон учун ҳам хайрли бўлди. Чунки ёлғиз фарзанди жаннат хабари билан муждаланган, Исломнинг иккинчи халифаси ва адолат тимсоли Умар розияллоху анхунинг ҳимоясида улғаяётган эди. Абдурахмон ибн Хорис Умар розияллоху анхунинг ҳимоясида улғайишига оид шундай сўзларни айтган: «Умар ибн Хаттоб розияллоху анхудан яхшироқ хайрли бир ота кўрмадим».

Бундай муҳитда тарбияланган Абдурахмон ибн Хорис келажакда илми ва жўмардлиги билан танилган бир инсон бўлиб етишади. Бир умр фарзандсизлик изтироби билан яшаган Оиша онамиз у ҳақда «Абдурахмон ибн Хорисдек ўнта болам бўлсайди, уйимда ўтириб, уларни тарбия қилиш учун бор имкониятимдан фойдаланардим», - деганлар. Абдурахмон ибн Хорис кейинчалик Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг куёви бўлган Исломнинг учинчи халифаси, ахлоқи юксак бўлган бир шахсият Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг куёви бўлиш бахтига муяссар бўлган.

## ҚАНДАЙ УЛУҒ ВАЗИФА

Ҳазрати Усмон мусхафнинг нусхаларини кўпайтириб, турли ҳудудларга юборишга аҳд қилиб, буни амалга ошириш учун Зайд ибн Собит, Саид ибн Ос ва Абдуллоҳ ибн Зубайр билан биргаликда куёви Абдурахмонни ҳам вазифалантирди. Демак, тўғри қарор билан қурилган иккинчи оила боланинг ҳаётига қандай таъсир кўрсатгани ҳақида хулоса қилсак бўлади. Иккинчи турмушда эҳтиёткор бўлинса-да, барибир эски турмуш ўртоқлар билан қиёслаш бўлади. Чунки аввал ажримга сабаб бўлган ҳолатларни такрор яшашни истамайдилар. Шу билан бирга, эндиги қурадиган оиласида нафақат ўзини, балки фарзандини ҳам ўйлаб иш тутишга бурчлидирлар. Чунки ёлғиз бошига ўзини ўйлаб оила қурадиган вазият бўлмайди. Иккинчи никоҳ ота учун ҳам муҳим. Аёлини йўқотган бир эркак учун иккинчи никоҳ янаям нозик масала. Чунки бола ўзидан кўра ҳам иккинчи аёл билан кўпроқ вақт ўтказди. Иккинчи никоҳда қилинган тўғри қарорнинг аҳамиятини устоз Али Улви Қуружунинг хотираларидан билсак бўлади:

«Онам мен кичиклигимда вафот этганларида 20 ёшда эканлар. Онамдан кейин отам холамга уйланган. Мени вояга етказган иккинчи онам Алия хонимдир. Жуда ўринли қарор бўлгани боис, отамнинг онамдан кейин Алия холамга уйланиши, мени ўксик ҳаётда яшатмади. Алия онам мени вояга етказди. Илм олишимга сабабчи бўлди. Мен баққолда ишлаганимда ҳар оқшом: «Али баққол бўлиш учун



Ўқидими?! Бу дард мени изтиробга солади», – дерди. Шу туфайли отам кетишимизни тезлатди. Холам менга ўз онам каби меҳрибонлик қилганлар».

**ИМОМ МОЛИКНИНГ ОНАСИ**

*(ФАРЗАНДИНИ ИЛМ ОЛИШГА УНДАГАН ОНА)*

Молик ёшлигидан ўз истаги ва оиласининг ёрдами билан илм олишни бошлади. Бу борада унга энг кўп онаси кўмак берган. Онасига илм таҳсилига кетишини айтганида она унга энг чиройли либосларни кийдириб, «Энди бор, ўқи, ёз», – деган. Шунингдек, ўғлига машҳур олим Робиятур Райнинг ёнига бориб илм ўрганишини айтган. Шу сабабли Робия бинт Абдурахмоннинг дарсларига бориб, ёшлигиданоқ фикҳ илмини ўрганди. Уйидан чиқаётганида онасининг унга покиза, чиройли либос кийдириши орадан йиллар ўтса-да унинг ҳаёт тарзига айланиб кетди. Манбаларда бу ҳақда шундай дейилади: «Имом Молик ҳамisha гўзал либосда юрарди. Гўзал ифор тараларди ундан ва ўзини шу қиёфага лойиқ тутарди. Ёш болалар бирор жойга бораётганида оналари уларнинг кийимларига аҳамият берса, борадиган жойлари ҳам шу қадар аҳамиятли бўлади. Муҳим жойга бораётганда кийинтириб, тартибга солганингиздек, устознинг ҳузурига бораётганда ҳам шундай кийинтириб, тартибга келтирмасангиз, боланинг назарида устозникига бориш доимий бир қўшниникига чиқишдек аҳамиятсиз бўлади. Онасининг ҳаяжони ва ихтиёри билан илм йўлига тушган Имом Молик илм учун ҳар қандай фидокорлик қилишдан чекинмасди. Ўзи бу ҳақда шундай дейди: «Мен пешин пайти Нофеъга келардим. Қуёшдан соя

бўлиш учун ҳеч дарахт тополмасдим. Устознинг ташқарига чиқишини кутардим. Чиққанида худди уни кўрмагандай тутардим ўзимни. Кейин олдига бориб, унга салом бериб, яна узоқлашардим. Ниҳоят ичкарига кирганида ортидан бориб, Ибн Умар шу масалалар ҳақида нима деган, деб сўрардим. Саволларимга доим жавоб берарди, фақат жуда тез эди». Исми келган Нофеъ Абдуллоҳ ибн Умарнинг озод бўлган қули бўлиб, унинг илмини, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан айтган ривоятларни, саҳобийларнинг амалини ва шахсан амирал мўъминин Умар ал-Форуқнинг татбиқотини нақл қилган.

Юқоридаги ифодадан Имом Моликнинг қуёшнинг тиғига қандай бардош берганини, устозининг салобатидан қандай чўчиганини, ундан Абдуллоҳ ибн Умарнинг илмини ўргангунга қадар сабр қилганини англаймиз. Устозига юк бўлмаслик ёки уни саволлари билан безор қилмаслик учун қандай нозик ҳаракат қилганининг гувоҳи бўляпмиз. У узоқ вақт устозини кутар, у билан учрашганда салом берар, сўнгра жим бўлиб, кейин яна гапирарди. Имом Моликнинг онаси фарзанди учун қилган хатти-ҳаракати сизнинг назарингизда жуда кичкина амалдек кўринмасин. Қанча кичик амаллар жаннатнинг эшикларини очгандир. Имом Моликнинг онаси ҳам қўлидан келганининг энг эзгусини қилган. Устозининг ёнига кетаркан фарзандини покиза ҳолатда тайёрлаши, кейинчалик фарзандининг устозига жуда гўзал муносабатда бўлишини белгилагандир. Шу ўринда бир оғриқли нарсани айтиб ўтишни истардим:



Биласиз! Кичиклигимизда устозимиздан калтак есак, буни ота-онамизнинг эшитишидан чўчирдик, чунки эшитсалар, ким билади, нима хато иш қилдинг, бекорга бундай бўлмаган дейишларидан кўрқардик. Ҳозир эса болалар устозларидан салгина оғирроқ гап эшитса, ота-она тезда устозни сўроққа тутадилар. Энди ўйлаб кўринг, бундай ҳолатда бирор бола устозига ҳурмат билан муносабатда бўладими? Ёзги таътилда кичик болаларга Қуръондан дарс берамиз. Бу дарслар василаси билан жуда кўп хотираларимиз бор, алҳамдулиллоҳ. Бир боламиз дарсларни ҳеч бажармас, тингламас эди. Шу сабабли бошқа ўртоқлари билан ораси узоқлаша бошлаганди. Дарс қилишга қолган ўқувчилардан жаҳли чиқарди. Бу ҳақида ота-онасига ҳам шикоят қилибди. Улар келиб, дарров мени сўроққа тутишганди. Бундай ҳолатда ўқувчилар устозларни ҳурмат қилишмайди. Бизлар олимларимизга қанчалик қиймат берсак, фарзандларимиз ҳам худди шундай ҳолатда ҳаракат қиладилар.



## ИМОМ АБУ ЮСУФНИНГ ОНАСИ

*(У ҲАМ ГЎЗАЛ БИР ОНА)*


Яҳё ибн Ҳарма Абу Юсуфнинг шундай деганини нақл қилади: «Мен ҳадиси шариф ва фикҳ илмини ўрганишни истардим. Жуда камбағал эдим, пулим йўқ эди. Отам ҳам вафот этганди. Бир куни мен Имом Аъзамнинг ёнида эканимда онам келдилар ва: «Эй ўғлим, сен у билан баравар эмассан, унинг нони пишган, таоми ҳозирдир, бироқ сен ейдиган нарсага муҳтожсан», – деди.

Мен ҳам онам учун ишлаб, онамга хизмат қилишни танлаб, илм олишдан воз кечишни ўйладим. Сўнгра шунга қарор қилдим. Бир куни устозим Имом Аъзам шогирдлари орасида мени кўрмагани учун чақиртирди ва: «Сени биздан айирган сабаб нима?» – деди. Мен: «Турмуш оғирлиги, афандим», – дедим. Мажлис тугаб, ёнидагилар кетгач, менга эҳтиёжим бўлган бир қанча нарсалар эҳсон қилди. Берган нарсалари орасида бир қанча кумуш танга ҳам бор эди. Сўнгра айтдики: «Буларни ишлат, тугаса менга айтасан, фақат, дарсларимиздан қолма». Берган пуллари тугаган куни мен айтмасимдан олдин яна пул берарди. Доимий давом этган бу ҳолатни кўриб, менинг пулим тугаганини унга Аллоҳ таоло билдиряпти, Унинг карами билан англаяпти деб тушунардим. Устозимнинг бу эҳсон ва икромига қаришиш сабабидан илмга ҳам эга бўлдим. Аллоҳ таоло унга гўзал мукофот, мағфират ва яхшиликлар тоғи этсин».

Устози Имом Аъзамнинг дарслари янги бошланганида бир куни онаси келиб устозига: «Устоз, бу ерда сизга фақат биз муҳтожмиз, ўғлим рўзгоримизни бутлаш учун навбатда турганларга хизмат кўрсатади», – деди. Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ ҳам, бу бола бу ерда сариёғ, бодом, ерёнғоқ ейишни ўрганади, деб ҳар куни топадиган пулидан кўпроқ пул берарди.

Имом Юсуф илми етук олим бўлгач, уни бир вазифага тайинладилар. Вазифаси билан юрганида бир куни Ҳорун Рашид уни овқатланишга таклиф қилди. Дастурхонга сариёғ, бодом ва ерёнғоқ қўйган Ҳорун Рашид: «Булардан е, доим ҳам бундай егуликлар икром қилинмайди», – деди. Бу ҳолат қаршисида йиллар олдин устозининг онасига айтган гапларини эслаб табассум қилди. Ҳорун Рашид: «Нима учун кулдинг?» – деганида воқеани айтди. Устозлари Имом Аъзамни дуо қилдилар.

Абу Юсуфнинг онасини асло айблай олмаймиз. Ўнта етим билан тул қолиш осон эмас. Шу сабабдан ҳам боласининг ишлаб, пул топишини истайди. Хўш, биз бу ҳолатдан қандай дарс оламиз?! Моддий қийинчилик туфайли бир онанинг фарзандини ишлашга ундашиними? Йўқ! Бу ерда сабоқ олинадиган тараф бу гал оналар эмас, она қалбидек қалбли олимларимиздир. Ўрни келганда закий ва ҳаракатчан талаба дуч келганида керак бўлса, унинг моддий имкониятларига ёрдам бериб, яхши бир олим етиштиришимиз кераклигини бу ҳадисдан хулоса қилишимиз мумкин. Абу Юсуф устози Имом Аъзамнинг моддий дастаги билан ҳам оиласини таъминлади, ҳам илм таҳсилани



тамомлади. Шу сабаб бўлиб, Ислом фикҳида сўз соҳиби олимларидан бири бўлди. Ҳеч ким Абу Юсуфни устозига юк бўлиб, олим бўлди демади. Шу мавзудан келиб чиқиб, ёқимли бир хотирани эслаш билан хулоса қилгим келди. Баъзан ёзувчи асари орқали ўқувчиси билан дардлашади. Ёшлигимизда бошимиздан ўтган моддий қийинчиликлар сабаб икки йил мактабдан қолиб, текстилда, иншоотларда ишлаб оиламизнинг моддий қийинчилигига ёрдам бергандим. Ҳамд бўлсинки, отам кейинги йилларда ўзини қўлга олиб олгач, менга: «Сен илм ўрган, мен сенга кўмаклашаман», – дегандилар. Истанбулга кетишимга рухсат бергандилар. Мен Истанбулда қолсам ҳам отамга оғирлигим тушмасди. Чунки Ванда аскарлик қилганимда 20 лирани уч ой ҳеч кимдан бирор нима сўрамасдан, илк аскарлик маошим келгунча сарфлаб турганман, алҳамдулиллоҳ. Отамнинг рухсати билан Истанбулга устознинг ёнига кетдим ҳамда ҳолатни уларга билдирдим. «Устоз, мен бу ерга илм олишга келдим, мени вақфингизга қабул қиласизми?» – дедим. Устоз: «Оилангга юк бўлма, Измирга қайт, яхши бир иш топиб ишла, кейин уйлан», – дедилар. Мен эса уларга: «Менинг фикҳ ва сийрат илмига жуда иштиёқим баланд. Буларни бу ерда ўрганишимга рухсат бермасангиз ҳам, ҳеч бўлмаса, араб тилини ўрганишимга ҳамда ҳофизлигимни тугатгунча бу ерда қолишимга рухсат беринг», – дедим. Яна, оилангга юк бўлма, улардан олган пул билан яшама, уларга оғирлигинг тушмасин, деган сўзларни эшитдим. Балки у илмларни олишга лойиқ эмасдим, балки жуда ёмон одамдек кўрингандирман. Аммо

нима бўлганда ҳам мен у ерга илм учун боргандим. Вақфдан чиқиб, Измирга кетгунча йиғлаб, ойларча ўзимга келолмагандим. Биласизми?! Ҳозир ҳам бирор иш билан Истанбулга борсам, ишим битарбитмас Истанбулдан Измирга қайтаман. Измирга келиб, фабрикаларда ишладим. Бу орада араб тилини ўрганиш учун қандай қийинчиликларга дуч келганимни бир ўзим ва бир Аллоҳ билади. Қанча ҳаракат қилсам-да ҳофизлигимни тамомлай олмадим. Тугатолмаганим учун ташлаб ҳам қўймадим. Балки тугатмасдан бу дунёдан ўтиб кетарман, лекин ҳофизликни ташламайман. Ҳеч бўлмаганда ҳофиз талабаси бўлиб жон таслим қиламан. Ҳамма нарсани шу қадар пулга боғладикки, бирор яқинимиздан ҳам пул сўраш жуда оғир ҳолга келди. Пул сўраган олади, берган эса ўзининг қандай эканини тезда ошкор қилиб қўяди. Илм учун моддий дастак бўлган эса... у ҳақда ҳеч гапирмай қўяқолай... ҳолат ҳаммамизга аён.

Тадил илмида кимнинг заиф, кимнинг кучли эканлигини жуда яхши билган олимлардан бири бўлган Имом Заҳабий ҳадис ривоят қилган аёллар ҳақида шундай дейди: «Ҳозиргача ҳадис ривоят қилган аёлларнинг бирортаси томонидан хато ёки ёлғон содир бўлмаган. Муҳаддис аёлларнинг кўпчилиги ҳадис илми билан машҳур бўлган оилаларга мансуб. Муҳаддислар турмуш ўртоқларини, қизларини ва бошқа аёл қариндошларини илмга даъват қилишган. Саёҳатлари давомида уларни ёнларида олиб юриб, олимларнинг дарсларини тинглашларига устозлардан ижозат олишган. Ҳатто юксак даражали



илм эгалари бўлишлари учун жуда ёшлигиданоқ устозларнинг дарсларига олиб бориб, самодан инган китоб билан танишишларига имкон яратишарди. Шу сабабли ҳам аёл муҳаддислар бу томонлама имкониятлари кенг ҳисобланардилар. Суфён ибн Уяйна бир куни масжидда дарс бераётганида ичкарига кичик бир бола киради. Масжиддагилар ҳам бир-бирларига шошилиб қараб, тафсир ва ҳадис каби билимлар ўқитиладиган бир мажлисда дарсни бўлиб, ёш бола ўйнаб юрганини гапириб, ҳайратларини ифода этишади. Шунда устоз шундай дейди: «Бу бола билан ишлашим сизларга ҳалал бердими? Бир пайтлар мен ҳам бола эдим ва олимларнинг мажлисларига мана шундай кириб борардим. Яна таърифланишича, бўйим беш қарич, тангадек ёноқларим бор экан. Нурли бола эдим, шам каби ёнардим, қўлларим кўйлагим ичида кўринмай кетарди. Олимларнинг ўртасига ўтирардим. Уларнинг орасида дарахтнинг бир кичик шохчасидек бўлиб қолардим. Онам менга қалам берарди, у билан бир нималар ёзардим. Шу ҳолим билан Абдуллоҳ ибн Динорнинг, Зухрийнинг мажлисларига кирардим. Мен кириб келсам, шайх афандига жой беринг, деб ҳазиллашишарди. Ўша пайтлар мени улуғ инсон ўрнида кўрганлари сабабли, ҳозир сизга дарс беряпман. Бу бола ҳам эртага «Аллоҳ ва Унинг Расули...» дейиши учун мен уни улуғ тутишим керак.



## ҲАЗРАТИ ШУАЙБНИНГ ҚИЗЛАРИ

(МАДЯНЛИК ИККИ ҚИЗ)

Мусо Мадян тарафга қараб йўл олганида: «Умид қиламанки, Аллоҳ мени тўғри йўлга бошлади», – деди. Мадян қудуқларининг ёнига борганида ҳайвонларини суғораётган бир жамоага дуч келди. Улардан сал нарида ҳайвонларини сувдан узоқлаштиришга ҳаракат қилаётган икки қизни кўрди. «Сиз нимага ҳайвонларингизни суғормаяпсиз?» – деб сўради. Улар эса: «Чўпонлар ҳайвонларини суғориб кетмасидан биз суғоролмаймиз. Отамиз қариб қолгани сабаб иш бизнинг зиммамизда», – дейишди. Мусо уларнинг ҳайвонларини суғориб берди. Сўнгра сояга ўтди ва: «Роббим, берадиган ҳар хайрингга муҳтожман», – деди. Иккала қиздан бири тортиниб унинг ёнига келди ва: «Ҳайвонларни суғорадиган навбатингни бизга берганинг учун отам сени уйга таклиф қилди», – деди. Мусо унинг ёнига бориб, бошидан ўтганларини гапириб берганида у: «Кўрқма, золимлар жамоасидан қутулибсан», – деди.

Динимиз ва урфимизда «уятчанлик» таъбири «ёш қиз», «янги келин» жумлалари билан бирга келади. Ибрат учун таъкидлаш жоиз бўлса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни танитган бир ривоятда Абу Саид Худрий шундай дейди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чимилдиққа кирган ёш қиздан ҳам уятчан эдилар. Хушламаган нарсаларини эса юзларига қараб билиб олардик».

Уятчанлик ҳолати ёш қизларда йигитлардан кўра кўпроқ эканини кўрамиз. Бу ҳол қизларнинг фитратида бор. Аллоҳ таоло бу ҳолатни уларнинг яратилиш табиатларига уйғун ўлароқ бахш этган. Фақат ҳозир қизларимизни бу фитратидан айиришга уринадилар. Кичкина қизчаларнинг бозорларда, дўконлардаги кўйлаklarини кўрасизми? Калта, тор либослар эканини кўрасиз. Қизчалар ТВ ва ижтимоий тармоқларнинг таъсири остида ахлоқсиз кишиларга тақлид қиладилар. Уларни йўлбошчи, раҳбар сифатида кўришади. Атрофингизга боқиб кўргандирсиз. Ҳаётга оид ахлоқсиз бўлган қандай нарса ёйилса, бу қизлар воситасида амалга оширилмоқда. Мисол учун кийим масаласини олайлик. Фақат бир жумла билан «Эркаклар қизлардан кўра ёпиқ кийинадилар». Ижтимоий тармоқларда бунинг янада яққол исботини кўрамиз. Сўзда исломий мавзуларда баҳс қиладиган хоним қизларнинг профил расмида исломий мавзуда суҳбатлашадиган эркак хатибларнинг ёки дастурчиларнинг расмлари бор. Фақат бу ҳолат унинг назарида меъёрий ҳолат. Чунки у исломий шахсларнинг расмларини кўйган, бошқа гуруҳлардаги бирорта эркак эмас-ку. Шайтон бу ҳолатни уларга қанчалик тўғри ва ҳақ деб кўрсатади, шундай эмасми?!

### КАРИМА БИНТ АҲМАД МАРВАЗИЙЯНИНГ ОТАСИ

Ислом дунёсида Қуръони каримдан кейинги энг буюк китоб Бухорийнинг «Жомеъус-саҳиҳ»и ҳисобланади. Ҳадисларнинг кетма-кетлиги, мукаммал тартибда жойлашиши унга бу эътиборни қозонтирган. «Жомеъус-саҳиҳ» ислом дунёсида шуҳраттопишида уни ривоят қилганларнинг ҳиссаси улкан. Ҳаётини ҳадис илмига, хусусан, «Жомеъус-саҳиҳ»нинг ривоятига бағишлаган Карима бинт Аҳмад Марвазийянинг ҳам бу асарнинг бунда катта ҳиссаси бор. У аҳамиятга молик бир муҳаддис бўлишига қарамай, асарни тадқиқ қилганимизда Туркия Диёнат вақфи Ислом Энциклопедиясида Карима бинт Аҳмад Марвазийя ҳақида бирор бўлимга дуч келмадик. Жуда кўп муҳаддис аёллар сингари Кариманинг ҳаёти ҳақида ҳам маълумотлар йўқ. Ҳаётининг асосий қисмини Маккада яшаган. Шу ерда вафот этган. Кариманинг отасининг исми Аҳмад ибн Муҳаммад Марвазийядир. Илмий ҳаётида отасининг таъсири катта. Отаси унинг илк устози бўлган. Отаси Каримани ҳали ёшлигига қарамасдан, Абул Ҳайсам Муҳаммад ибн Макканинг дарс ҳалқасига олиб борган. Уни ўзи борган шаҳардаги илмий мажлисларнинг ёнига, Қуддусга ҳам олиб борган. Отасининг қўлида тарбияланган бу муҳаддис аёл ҳадис илмида юксак мартабага эришган. Уни «Муҳаддиса», «Муснида» ва «Шайха» деб аташган. Бу номлар унча-мунча ҳадис ривоят қилган одамга

қўлланилаве  
илмида ўз ў  
қандай маън

Муҳаддис  
қилган киш

бўлган киш

ёзиши кера

эса 100 000

муносиб эм

муҳаддис х

Муснид  
киши.

Шайх  
олими.

Муҳад  
ҳадис оли

Карим  
ҳеч оила қ

ва яшаган

берган би